



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2017-yil 3-mart №10 (4409)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ БОШ КОТИБИ ЁРДАМЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енчани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қўллар экан, БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистон Республикаси ўшбу ташкилотга аъзо бўлганининг 25 йиллиги муносабати билан йўллаган табриги учун миннатдорлик билдирди ҳамда Ўзбекистон БМТ ва унинг ташкилотлари билан ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда давом этишини таъкидлади.

Президентимиз БМТнинг глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчилик ҳамда бугунги куннинг бошқа хавф ва таҳдидларига қарши курашишда тугган муҳим ўрнини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимиз билан БМТнинг самарали ҳамкорлиги йилларида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришга эмбарго қўйиш, "6+2" мулоқот гуруҳини тузиш, шунингдек, минтақамизда тараққиётга эришиш, Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш масалаларини глобал да-

ражага кўтариш ва бошқа кўплаб ташаббуслар нафақат БМТ доирасида, балки халқаро миқёсда қўллаб-қувватланди.

Сўхбат чоғида ҳамкорликнинг долзарб йўналишлари бўйича фикр алмашилди ва кўриб чиқилган барча масалалар бўйича томонларнинг позицияси ўрнатилди. Истиқболда ўзаро муносабатларни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ва бутун Марказий Осиёда амалга оширилаётган ривожланиш жараёналарида БМТни янада фаол иштирок этишга, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш борасидаги минтақавий долзарб масалаларни ҳал қилишда ҳамкорликда ишлашга даъват этди.

Мирослав Енча самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдириб, БМТ Ўзбекистон билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга, ўзаро манфаатли барча йўналишларда кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

ЎЗА

БИРЛАШGAN МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ АНТОНИУ ГУТЕРРИШ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам жаноб Гутерриш!

Сизни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби лавозимидаги масъулиятли фаолиятингизни муваффақиятли бошлаганингиз билан самимий муборакбод этиш ҳамда ўшбу олижаноб ва жаҳон ҳамжамияти учун гоёта муҳим бўлган ишингизда юксак омад тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

2 март куни биз ҳамкорлигимизнинг муҳим санаси – Ўзбекистон Республикаси БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлганининг 25 йиллигини нишонламоқдамиз. Ўшбу тарихий воқеа Ўзбекистон мустақил тараққиётда, миллий давлатчилигимиз ва суверенитетимиз жаҳон миқёсида эътироф этилишида энг муҳим асослардан бири бўлди.

Ишонч билан айта оламкин, мустақил Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТ нуфузини ошириш ва салоҳиятини мустаҳкамлашга, унинг Низомида белгиланган мақсад ва вазифаларни рўйбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшди.

Ташкилотга аъзо бўлиш мамлакатимизга тинчлик, тараққиёт ва ҳамкорлик масалаларини глобал даражада илгари сурди, замонавийнинг қатор энг мураккаб халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларини ҳал қилиш жараёнида фаол иштирок этиш имконини берди.

Ўзбекистоннинг 1993 йилда илгари сурган ва БМТ кўмағида муваффақиятли амалга оширилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббуси ядро қуролини тарқатмаслик тартибини таъминлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбекистоннинг Афғонистон мोजаросига сиёсий йўл билан ечим топишга қаратилган Афғонистон Ислום Республикасига қурол-яроғ етказиб

беришга эмбарго жорий этиш бўйича 1995 йилда ва "6+2" мулоқот гуруҳини тузиш бўйича 1997 йилда илгари сурган амалий тақлифлари жуда қисқа муддатда етакчи давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган фаолиятини бирлаштиришга хизмат қилди.

Бош котиблар жаноб Кофи Аннанининг 2002 йилда, жаноб Пан Ги Муннинг 2010 ва 2015 йилларда Ўзбекистонга таширфлари Марказий Осиё минтақасида тараққиётга эришиш ҳамда мамлакатимиз ва БМТ ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Жаноб Пан Ги Муннинг 2010 йилда Оролбўйида бўлгани Орол фожеаси ва экологик офатга туташ минтақаларга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини кучайтиришда муҳим роль ўйнади.

Шу муносабат билан Сизга ва бутун Ташкилотга БМТ шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудуди бўйича махсус Траст жағмарасини тузишга қаратилган саъй-ҳаракатлар қатъий қўллаб-қувватлангани учун миннатдорлик билдираман. 2017 йил 10 февралда БМТнинг "Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол денгизи фожеасидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва мустаҳкамлаш" дастури амалга оширила бошлангани бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мухтарам жаноб Бош котиби!

Бугун дунё ижтимоий-сиёсий соҳалардан тортиб экологик муаммоларга ҳам раб олган турли таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бораётганига дуч келмоқда. Жаҳон иқтисодий-демографик конъюнктура ўзгараётган, глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган бугунги шароит барча мам-

лакатларнинг янада барқарор ва уйғун ривожланиши учун муллоқо янги ғоя ва принципларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириши талаб этади.

Ўзбекистон 2015 йил сентябрь ойида БМТ саммитида қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини самарали амалга оширишга доир глобал миқёсда кўрилаётган чора-тадбирларни маъқуллайдиган ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама ва жадал янгилаш учун шароитлар яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда 2017 йил 7 февраль куни 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Мазкур ҳужжатнинг асосини мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий-гуманитар ислоҳ қилишнинг концептуал масалалари ташкил этади.

Ҳаракатлар стратегиясининг асосий қоидалари Барқарор ривожланиш мақсадларига мос эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу самарали ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

Сиз билан жорий йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўладиган БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида учрашамиз, деган умиддаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, жаноб Гутерриш, мустаҳкам соғлиқ, омад, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакатингиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганининг йигирма беш йиллиги билан самимий табриклайман.

1992 йил 2 мартдан буён Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси сифатида иқлим ўзгариши, ядровий қуролсизланиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш каби соҳаларга муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди, тинчлик ва тараққиёт йўлида ишончли шерик сифатида мамлакатингиз билан ҳамкорликни давом эттирди. Хусусан, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ ва БМТнинг Ўзбекистон-

даги вакиллари билан ҳамкорлик учун мамлакатингизга алоҳида миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Сизни ишонтириб айтманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон Республикаси билан бундан кейин ҳам яқин ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, айниқса, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш дастурини амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг янада тараққиётга эришиши йўлидаги ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромини қабул қилгайсиз.

Энг эзгу тилаклар билан,

Антониу ГУТЕРРИШ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

8-март ~ Халқаро хотин-қизлар кунин



БАҲОР БИЛАН БОШЛАНГАН БАЙРАМ

Кўклам кўнгилларни соғинтириб, соҳир туйғулар олиб келади. Новдаларда бўртиб, бодрокдек очишига шай бодому ўрик гуллари ҳали юз очмасданок зарофату латофат, хусну малохатда беллашишга чоғлангандек.

Баҳор ўлкамизда байрамлар билан бошланади. Кўкламнинг илк тонги барчани вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфияхоним ҳайкали ўрнатилган мўъжаз хиёбон томон чорлайди. Бу ерда шоира хаёлларга чўмганча қушларнинг парвози, елларнинг нозига махлиё бўлиб ўтирибди. Ҳаёт завқи билан йўғрилган шеърлари орқа-

ли умр бўйи аёл бахтини куйлаб, мухаббатни улғулаган шоира ҳайкали пойи шу кунни гулларга тўлади. Эл ардоғидаги шоиранинг таваллуди санаси муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан "Зулфияхоним доимо эъозда" деб номланган маънавий-маърифий тadbир ташкил этилди.

Эҳтиром

Давоми унчи саҳифада.

БОРИНГИЗГА ШУҚР, ОНАЖОН

Она десам олам чарогон,
Юракда ҳам шу нур, онажон.
Мўтабар зот, ҳазрати инсон,
Борингизга шуқр, онажон.

Гоҳо қўлим қўйормас болам,
Соғиндим деб кучолмайман ҳам.
Сўзда эмас, меҳрим кўзда жам,
Борингизга шуқр, онажон.

Мени суйиб-сийлаган Худо,
Бағрингиздан этмасин жудо,
Кеча-қундуз дилимда дуо,
Борингизга шуқр, онажон.

Шеърларимни тинглаб тўймаган,
Ёлгон ёзишимга қўймаган,
Мақкада ҳам мени ўйлаган,
Борингизга шуқр, онажон.

Бешигимга неварам белаб,
Совчи бўлиб, бахтта бахт улаб.
Юраверинг элга ризк тилаб,
Борингизга шуқр, онажон.

Она десам олам чарогон,
Шуурилда шу нур, онажон.
Мўтабар зот, ҳазрати инсон,
Борингизга шуқр, онажон.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2017 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келадиган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган миллини, тили ва динидан қатъий назар, барча ватандошларимиз орасида кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланган қолди.

Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат ўйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлиши Наврўзнинг юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида қамол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуг айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Ташкилий кўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тadbирлар режасини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.
- Тadbирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсоннинг табиат билан узвийлигини, ўзини унинг ажралмас бир қисми сифатида ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шуқронлик туйғуси билан яшашга даъват қиладиган маънавий-маърифий тadbирларни уюштириш;

барча шаҳар ва қишлоқларда бўлиб ўтадиган тadbирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-муруват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улғу инсонлар, табарруқ отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тadbирларини амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгилаши, қут-барақа, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлиши Наврўз фаслида маҳалларда, шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг қўламдаги ободончилик ва кўламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор гу-

руҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, дорбозлар, цирк артистлари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини кенг жалб этиш;

сайил дастурларини тайёрлашда халқ ўйинлари, фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, эл юртининг дилидан чуқур жой олган, қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғуларни тараннум этадиган куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тadbирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджетини ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Наврўз умумхалқ байраминига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 февраль

Мамлакатимиз ўз истиқдолининг иккинчи чорак асри аввалида тараққийнинг бевосита инсон манфаатларига юз бурган кутлуг жараёни билан яшамокда. Бу жараёни тарихан буюк воқелик сифатида баҳолаш мумкин. Негаки, инсон буйнадаги қулик занжири ва мутелик кишанларини парчалар экан, эрк ва озодлик унинг ҳаётини ҳар жиҳатдан тўқис этинини ҳам орзу қилади. Ҳар жиҳатдан тўқис ҳаётга эса бирданига эришиб бўлмади. Ахир жон чекмасанг жонона қайда, деб бежиз айтилмаган.

Миллий тараққийнинг истиқлол давридаги дастлабки чорак асрида, аввало, эришилган озодликни сақлаб қолиш ва ҳар жиҳатдан унинг барқарорлигини таъминлашнинг асос-пойдевори яратилди. Мамлакат Куролли қурали шаклланди, чегаралар мустаҳкамланди, унинг дахисизлиги таъминланди. Мамлакатни раванк топтиришнинг ҳуқуқий асослари ва иқтисодиётнинг бозор тамойилларига таянган "Ўзбек модели" яратилди. Таълим тизимида катта ислохотлар амалга ошди. Мамлакатнинг ягона темир йўли тизими вужудга келди. Давлатимиз ҳаммаси етиштирувчи аграр республикадан сановати жадал ривож топаётган индустриал мамлакат даражасига етишди. Шаҳар ва қишлоқларда қурилиш ва бунёдкорлик муттасил жараёнга айланди.

Бироқ ҳаёт давом этар экан, муаммолар туғилиши табиий. Улар вақтида бартараф этилмас, йиллар мобайнида тўпланиб тараққий йўлига гов бўлиши мумкин. Мамлакатни улкан бир кемга қиёсласак, олдиндаги мамлакатнинг ўнқир-чўнқирлари, сув остидаги музтоғлар бошқалардан кўра кема дарғасига аён кўринади. Шу маънода бугун кўрмишда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади чинакам тараққийга йўл очиб, мавжуд муаммолардан кўз юммай уларни вақтида бартараф этиш йўллари ахтариш ва бунинг учун жонкуяр-фидойи бўлиш, бир сўз билан айтганда, эл-улус манфаати, эҳтиёжларига қулоқ тутиб, одамларни рози қилиш муҳитини яратиб беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 24-25 феврал кунлари амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан қўнчдан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятига ташрифи мобайнида кўздан кечирган истиқболли лойиҳалар, бу лойиҳаларни юксак савия ва сифат билан ҳаётга татбиқ этиш юзасидан муайян йўл-йўриқлари бергани, шак-шубҳасиз, инсон манфаатларини аниқлаш ва ҳис этиш, шундан келиб чиққан ҳолда халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади. Қашқадарёнинг иқтисодий салоҳияти улкан. Ялпи ҳудудий маҳсулотда соҳанинг улуши 38 фоизни ташкил этаётгани ҳам шундан далолат беради.

Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кейинги беш йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2 баробар ошган, ҳудудий экспорт ҳажми 100 миллион долларга етган ва 2011 йилга нисбатан 2,5 баробар кўпайган. Бундай ўсish суръатлари одамлар турмуш шароитида, вилоят шаҳар ва қишлоқлари қиёсасида намён. Давлатимиз раҳбари ўз сайловолди дастурини бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, мамлакатнинг барча ҳудудлари қатори Қашқадарё вилояти ривожини ҳам янги босқичга кўтариш бўйича улкан режа ва мақсадларни баён этган эди. Пре-

АДАБИЁТ ТАРФИБОТИНИНГ МУҲИМ ЖАБҲАСИ

Халқро алоқалар ва бадиий таржима кенгашининг ҳисобот йилгишида таниқли олимлар, ўқитувчи ва талаба ёшлар иштирок этди. Йилгилини очган Ўзбекистон уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али бунинг улкан ижодкорлари, ҳусусан, таржимонлар олдига катта вазифа турганини таъкидлаб, 2016 йилда кенгаш ўз олдига қўйган қатор вазифаларни самарали амалга оширганлини айтиб ўтди.

— Тил мустақиллигини сақловчи воситаларнинг бири таржимандир. — деди адиб. — Бошқа маданиятга мансуб асар таржима йўли билан миллий маданиятнинг қатламида сингади. Шунингдек, миллий адабиётимиз дурдоналарининг хорийки тилларга таржимасини амалга ошириш доимий долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Халқро адабий алоқалар ва бадиий таржима кенгашининг масъул котиби, шoir Мирнурат Мирзо ўтган йил давомида баҳариланган ишларнинг қисқача тафсилотини айтиб, Фафур Фулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи томонидан Шекспирнинг (Фафур Фулом таржимаси) "Отелло", Гётенинг (Эркин Воҳидов таржимасида) "Фауст", Пушкиннинг (Ойбек таржимасида) "Евгений Онегин", Хомернинг (Қодир Мирмуҳамедов таржимасида) "Одиссея" асарни китобхонага туҳфа этилганини таъкидлади. Бошқа наشريётларда ҳам бу йўналишда салмоқли ишлар қилинди. Махтумқўлининг Музаффар Аҳмад таржимасидаги "Севмишма сени", машҳур авар шоири Расул Ҳамзатовнинг Асрор Мўмин таржимасидаги "Аёллар кўли, она ягона" китоблари шулар жумласидан. Бир қанча адибларимизнинг асарлари хорийки тилларга таржима қилинди.

Йилгилида шеърли таржималар ҳақида шоира Ойгул Суяндиқова, насрий таржималар бўйича шоир Музаффар Аҳмад, таржима ишининг илмий-назарий масалалари ҳақида профессор Хуррам Раҳимовнинг таҳлилий маърузалари тингланди. Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети доцентлари Гулназа Одилованинг наشريётларда чоп этиладиган асарларнинг маъъу қисми таржима асарлардан бўлишини белгилаб қўйиш ҳақидаги тақлифи қизгин муҳокама қилинди.

Халқро алоқалар ва бадиий таржима бўлими масъул котиби Алҳамбек Алимбековнинг уюшмада амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботи мажлис катнашчилари томонидан маъқулланди. Ўтган йили Ўзбекистон

КЕНГЛИК НУҚТАСИДАН КЕНГЛИКЛАР ҚАДАР



гонама-погона юқори кўтариб оқизувчи Қарши насос станциялар мажмуини қайта тиклашнинг учинчи босқич лойиҳаси, енгил сановати ривожлантириш борасидаги янги лойиҳалар ("ЛТ Текстиль Интернейшн" Ўзбекистон — Хитой — Нидерландия, шунингдек, "Universal Traqqiyot Tekstil" ҳамда "Wood Decor Production" қўша корхоналари, газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳаси, Қарши туманида ташкил этиладиган паррандачилик мажмуиси, «Шўртан газ-кимё» мажмуасида синтетик ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби лойиҳалар) шулар жумласидандир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Нукробод» қишлоқ фуқаролар йиғинида аниқланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган арзон уй-жойларни кўздан кечириб, уларга ақинда қўчиб кирган бахтиёр оилалар вакиллари билан суҳбат қураб экан: **«Ўз уй-жаётга эга бўлиш ҳар бир инсон ҳаётида қанчалик муҳим эканини барчамиз яхши биламиз. Халқимиз уйи борнинг уйи йўқ, деб бекорга айтмаган. Бунинг чукру маъноси бор. Бундай уй-жойлар тақсимотида халқимизга хос ҳақиқат ва адолат мезонларига қатъий риоя этилиши керак»**, деб таъкидлади. Қурилыш материаллари таннархини камайтириш ҳисобига уйларнинг нархини янада арзонлаштириш, ичимлик суви, ички

йўллар, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш, ободонлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди. Юртбошимизнинг ана шу уй-жойлар ва янги сановат иншоотлари лойиҳаларини кўздан кечириш билан бирга Қарши шаҳрининг Ўзбекистон Кўчасида барпо этиладиган Ўзбекистон Қўрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг ҳайкали ҳамда Абул-Муъийн Насафий зиёратгоҳи реконструкцияси лойиҳалари билан танишуви ҳам миллий адабиётимиз намоёндалари ижодида ҳамда улуг алломаларимиз маънавий меросига бўлган юксак эҳтирмининг намунаси бўлди. Абдулла Орипов замонавий миллий адабиётимизни жаҳон билан бўйлаша олиш даражасига кўтарган нодир истеъдод соҳиби эди. Шоирнинг юксак бадиий, теран фалсафий шеърлари халқимиз кўнглидан чукру жой олган. Драматик ва публицистик асарлари, дoston ва таржи-

Ифтихор

тасвийлар берди. Халқимизнинг сеvimли шоири Абдулла Орипов ҳайкали, музейи ва шоир номидаги мактаб шаҳардаги "Баркамол авлод" маркази ёнида барпо этилиши ҳам рамзий маъно касб этаётди. Негаки, Абдулла Орипов нобэ истеъдоди, бетакрор шеърини билан буюк бобокалонимиз Алишер Навоий сиймосида бўй кўрсатган миллат ва Ватан бахт-саодати учун фидойи бўлишнинг юксак намунасини ўз ичига олган фаолиятида намёнбун эта олган унутилмас шахсдир. Туғилиб ўсган она юрт, Ватанин катта қалб билан севиш ва ундан ифтихор эта билмоқлик бобода баркамоллик истаган ёш авлодга Абдулла Орипов сабоқлари бениҳоя катта мактаб бўла олади. Кези келганда айтиш кераки, Абдулла Орипов Қарши давлат университетининг фахрий профессори сифатида бир неча йил мазкур университет аудиторияларида талабаларга сабоқ берди. Дўрмондаги бог-ҳовлисига эса эрта баҳордан то кеч кузгача осмон жисмларини кузатишга йўналтирилган ўкув телескопи соzланган ҳолда турарди. Негаки, Абдулла ака, "Агар шоир бўлмаганимда Улугбек бобоимиз каби фалакийетчи-астроном бўлардим", дейишни жуда хуш қурадим. Бу гапларнинг исботини шоирнинг илк шеърларидан тортиб, то энг сўнги битикларига қадар ўқиган муҳлис дарвор топа олади. Дастлабки машқларини юлдизларга мурожаат билан бошлаган шоиримиз охириги шеърларида ҳам қалбиданги юрт соғинчини юлдизлар орқали ифода этганди:

**Мен қарайман юлдизларга,
Гўё қону қундузларга,
Уларни деб алмаштирдим
Кечаларни қундузларга.**

Шоирнинг илк китоби номи "Милтирайди митти юлдуз" шеъри номидан олинган бўлса, "Юзма-юз" тўпламидаги шеърларда эса, муҳлислар уч юз ўринда коинотга мурожаат қилинганини ҳисоблаб чиқилган. Абдулла ака сўнги йилларда юртимизнинг юксак Ҳисор тоғларидаги "Майданак" расадхонасига икки марта, Американинг Техас штатидаги коинот қаърига фазовий кемалар учирувчи, олис коинот қаъридан ақли мавжудларни излаб радиосигналлар йўловчи илмий марказга ҳам икки марта боргани, расадхонаимизнинг улкан телескопидан олис юлдизларга узоқ вақт нигоҳ тикиб ўтириш, таассуротлари асосида "Майданак" ва "НАСА" каби шеърлар битгани бежиз эмас. Бир неча йил олдин Китоб кенглик станцияси ҳақида ёзган "Кенглик нуқтаси" шеърини оқитиб кашфиётлар ҳам шоирнинг бадиий ва илмий қувваи хофизаси, тафаккури у нигоҳ тиккан олис осмон қадр кенглигидан далолат беради.

Шу маънода, айтиш мумкинки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этиладиган Абдулла Орипов мактабига таҳсил оладиган юртимиз фарзандлари орасидан нафақат шоир адиблар, мусаввирлар, нафис санъат муҳлислари, айна қолда, буюк аллома боболаримиз каби қомусий билим соҳиблари, илм-фан юлдизлари ҳам шак-шубҳасиз етишиб чиқади.

**Мурод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист**

учин болалар адабиётига ҳар йили бир-икки нафар ижодкор кириб келса ҳам адабиётимиз учун қувончли воқеа саналади. Муҳайё Тулағанованинг 2016 йилда чоп этилган болалар учун насрий асарлар, Муҳаббат Ҳамидованинг болалар учун мўлжалланган нашрлар фаолияти ҳақидаги таҳлилий маърузалари тингланди. Давра суҳбатиде буюк алломалар, саркарда ва мутафаккир аждодларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи болаларбоғ асарлар яратиб — адибларимиз олдидаги долзарб вазифа эканлиги таъкидланди. Халқимиз руҳияти, улуглиги ва дошимандлиги акс этган асарларга бугун эҳтиёж катта. Афсуски, халқимиз тилида доир болалар учун аjoyиб асарлар ёзган Миркарим Осим излошлари бугун кўп эмас.

Давра суҳбатиде, шунингдек, болалар учун китобларни арзон ва сифатли нашр этиш, ёшлар шижоати билан устозлар маҳоратини пайваста қилиш масалалари тўғрисида ижодкорларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Пойтахтимиздаги "Турон" кутубхонасида Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан бўлган адабий учрашулда Тошкент вилоятидаги кутубхоналар мутахассислари, талаба-ёшлар ҳамда адабиёт муҳлислари иштирок этди.

Адабиёт муҳлислари томонидан адибнинг ижодий маҳорати, яратган бадиий образларидаги ўзига хосликларга доир мулоҳазалар, талаба-ёшларнинг саволлари га берилган қизиқарли жавоблар учрашувга ўзгача мароқ бақишди.

— Адабиёт аҳлига бўлаётган бугунгидай юксак муносабат ҳеч бир даврда бўлган эмас, — деди адиб. — Бунинг биллишимиз ва қадрлашимиз, ишонч ҳамда мақтовлардан ҳаволаманасдан изланишда давом этишимиз керак. Йиллар давомида мен Амир Темурунинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, улуг Соҳибқироннинг "Ўтган ишга ўқинмайман, ютуқлардан шодланмайман" деган лўрмано сўзларини эслаб туриш қони фойда эканини тўлиқ англадим.

Учрашув сўнггида адиб Ўзбекистон уюшмаси томонидан чоп этирилган китоблар тўпламини кутубхонага ҳадя этди.

Ахборот хизмати

ОДАМЛАР КЎНГЛИГА ЙЎЛ

Мустақиллик йилларининг бошлари. Қиш охирида қолган бўлса-да, қор қалин ёққан. Ҳаво совуқ. Туман ҳокимлигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлимида ишлардим. Чекка қишлоқларнинг биридаги уч нафар ногирон бола тарбиялаётган хонадон ҳақида эшитиб, йўлга отландик. Ҳайҳотдай ҳовли бурчагида омонатгина қулба. Танча атрофидаги униқиб, увадаси чиқиб кетган кўрпачаларда бемор болалар ётишибди. Улар чўндай озиб кетган, маънос кўзлари шифтга қадалган...

Эти суягига ёпишиб, эллика кирмай сочлари қордек оқарган онаизорнинг ахлоли эса айтулик эмас. Болалар бизни кўриб безовталанди. Бири ўрндан кўзгаги, деворга таяниб ўтирди.

— Нечта болангиз бор?
— Бешта. Равшанбек тўнғичимиз, — деди аёл деворга таянган рангпарги на йигитчага қараб. Кейин болаларни таништиришда давом этди. — Малоҳат, Бахтиёр... Яна икkitаси мактабга кетган. Худого шукр, улар соғлом.

— Умр йўлдошингиз билан яқин қариндошдиларингиз?
— Йўғ-ей, етти ёт бегонамиз. Ичмасдиям, чекмасдиям, раҳматли. Меҳнаткаш, мўмин-қобил одам эди. Ўзига заҳарли дори сепадиган трактор хайдарди. Болаларимиз биринкетин шундай касалдан бўлиб туғилди. Ҳўжайиним эса оёқда юролмай қолди. Беш-олти.

— 43
— Билан оламдан

Аёл билан узоқ суҳбатлашдик. Рўмоли учига кўз ёшларини артиб, титраб-қақшаб йиғлаётган онани юпатишни билмасдик. Кетар пайтимиз ортимиздан кузатишга чиққан, онаси елкасига бошини қўйиб турган Малоҳат мунчодек кўзига ёш тўлиб шундай деди: «Опа, мен нимча, пайпоқлар тўқини биланман. Ҳозирча қўлимда қувват йўқ-д-а-а, ишломмай қолдим. Ҳеч бўлмаса Равшан акамнинг соғайишига ёрдам қилинган. Акам дардмандлигидан кўп эзилди».

Қизалоқнинг гаплари юрагимни ларзага солди. Уйга борганимда ҳам, иш пайтидаим ўша оиладаги нохуш манзара бир лаҳза бўлсин кўз олдимдан нари кетмасди. Туманидаги мутасадди ташкилотлар, тиббиёт муассасаси раҳбарлари ёрдамида бемор болаларни имтиёзли йўлланма билан пойтахтга юбордик. Малоҳат ва Равшанбекнинг юрагида жиддий муаммо бор экан. Даволанди, вақти келиб жарроҳлик муолажалари ўтказилди. Секин-аста дарддан халос бўла бошлашди. Бахтиёрнинг жигарида хасталик аломати топилмади, касалхонага ётқизилди. Маҳалла фаоллари кўмаги билан уларнинг ҳовлисига терак қиланчалари, мевали кўчатлар ўтказилди. Рўзғор учун полиз экинлари, сабзавот экилди. Икки соғлом ўғил тер тўқиб меҳнат қилди.

Бироз вақт ўтгач, уларни йўқлаб бордик. Торморқадаги ўрик ва бодом тагида қизариб пишиб ётган помидорларни тираётган Ҳамида опа, бизни кўриб шундай деди:

— Сизга Малоҳат синглингиз нимча тўқиб қўйди, ўзи кечки мактабда ўқияпти, маҳалламиздаги Саодатхон ўқитувчидан кўшимча сабоқ оляпти. Равшанбек қўлватга кириб кетганини кўрган раис бува «Сен идорага келиб иш ўрган, ўтириб ҳисоб-киتاب қилсан, кейин сиртдан ўқийсан», деб ёнига чакирди...

Илмли бўлиш, ҳўнарли бўлиш оилани мустаҳкамловчи асосий омил. Бу ҳеч қачон эскирмайдиган ҳақиқат. Оиладаги маънавий муҳит, оталар намунаси, оқила оналаримиз ўғитлари, уй тутумлари ҳам соғлом муҳит гаровидир.

Ўтган куни онам ва яқинларимизни йўқлаб Андиқонга бордик. Суҳбат орасида онам сеvimни шундай деди:

— Болам, барака топгур Юртбошимиз ҳаммамизни уйқудан уйғотди. Катта-катта ҳовли-жўйнинг эгаси бўла туриб, ундан тўғри фойдаланишни билмаган эканмиз. Қўшимчимиз кун ора икита тухум, бир коса сут ёки қатик сўраб чиқардик. Узингиз товук боқинг, товук етти хазинанинг бири, десам бўйин эгмасди. Ўтган куни суюнчилаб юғуриб чиқибди десанг. Банк ходимлари уйма-уй юриб кредит олишни тавсия қилиб, йўл-йўриқ кўрсатишибди. Қўшимчимиз бел боғлаб 100 та товук олибди. Ҳозир товукларидан бир кунда ўттиздан зиёда тухум олаётганмиш. Боши кўкка этиб хурсанд бўлиб юрибди.

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинганда телевизорга тикилиб

ўтирган онам дуога қўл очиб: «Илоҳим, юртимиз фаровон, хонадонимиз тинч, дастурхонимиз тўқин бўлсин», деди.

Ҳар биримиз яхши амаллар, эзгу ишларимиз билан Ватан равнақиға ҳисса қўшмоғимиз керак. Одамларнинг кўнглига йўл топиш, уларнинг дардини тинглаш, ҳамдард бўла олиш ҳам аслида инсон манфаати учун хизмат қилиш дегани. Ҳазрат Навоий бобомиз айтганидек:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай, Онча борким, Қазба вайрон бўлса обод айлағай.

...Ўрта мактабни битирган йили ўқига ҳужжат топширдим қиролмадим. Дадам кўярда қўймай "Бирор хўнарға эга бўлишинг керак", деб маҳалламиз яқинидаги тикувчилик чехига олиб борди. Кўхликни аёл бизни очик чехра билан ку-

тиб олди. Бир хонада ўн, ўн беш нафар киз-жувон ишлаб ўтирарди. Мени бир чевар аёлнинг ёнига олиб борди. «Розия опа, янги шоғирдингиз, шоира қизга тикишни ўргатиб қўйсангиз сизга атаб шеър тўқиб беради», деди қулиб. Тикувчи ёнидаги икки шоғирд қизга ишора қилиб бир ўзимга «кўнгли қилмайди», деди. Учинчи одам бўлиб бироз ўтирдим. Кейин бизни қарши олган аёлнинг ёнига кирдим. «Опа, мен анави ёлғиз аёлнинг ёнида ўтирмакчиман», дедим.

— У аёл моҳир чевар, одамларга жуда меҳрибон, ишининг унуми бор, аммо гапиролмайди, эшитмайди, тил топшишинг осон бўлмаса керак-ов. — Мен ўша опага шоғирд бўлман, майлими, — дедим дадиллик билан.

Хуллас, аёлнинг ёнига бориб салом бердим, имо-ишора билан унга шоғирд эканимни тушунтирдим. «Йўқ» дегандек бошини тебратган кўйи кўзига ёш олди. Кўрсаткич бармоғини лаби ва қулгоғига теккизиб ишора қилди. Аввалига айтмоқчи бўлган гапларимизни қоғозга ёзишиб, бир-биримизни тушундик. Кейин мен ундан ҳамма ишораларни ўргана бошладим. Уч-тўрт ойда бемалол кун бўйи гурунглашадиган бўлдик.

«Мен ҳаётга бошқача қарардим, — деб ёзарди устозим. — Одамларга керагим йўқ, деб ўйлардим. Атрофимдаги таниш-билишлар, ҳамкасбларим менга жуда меҳрибон, иложи борича кўнглимни олишга ҳаракат қилшарди, барибир улар мириқиб суҳбатлашаётганини кўрсам ўқирдим. Ахир мен улардан бошқа оламда яшардим. Энди эса ҳаммаси бошқача, чунки мени тушунадиган сендай дўстим бор...»

Йил ўтгач, ўқига кирдим. Хайрлашгани келганимда мени бағрига босиб йиғлади. «Қоронғу кўнларимни ёритганинг учун сенга раҳмат», деди кўнгли кўксига қўйиб.

Ҳозир ўйлайман, тили-забони йўқ ҳокисор тикувчиси, қаҳратоннинг совоғи, саратоннинг иссиғида тин олмай меҳнат қиладиган, йўл четини сунуриб юрган олов ранг нимча аёлми, оташлар ичида қон қазиб меҳнат қиляётган оға-иниларимизми — уларнинг барчаси бизнинг ҳамюртларимиз, халқ, юрт фаровонлиғига ҳисса қўшаётган элдошларимиз.

Биз ўтмиши улуг, келажакга ёрғ халқмиз. Оналаримизга ўхшаш оиланинг олималари, отамиздек оиланинг академиклари оми? Улар ҳар бир хонадонда бор. Нуруний отахону онахонларимиз маҳалла кўрки, хонадон таянчи. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» муносабати билан бўладиган тадбирларда уларнинг кўнглига қулоқ тутсақ, турмуш тарзидан ибрат ва андоза олсақ, нур устига нур бўлади. «Тома-тома қўл бўлур», дейдилар. Ҳар бир оиланинг яхши анъаналари, урф-одатлари битта ибрат китоби бўлишига арзийди. Чунки давлатимиз томонидан халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган эзгу ва хайрли ишлар қадриятларимиз янада қадр топишига ҳисса бўлиб қўшилади.

**Мунаввара УСМОНОВА,
шоира**

Кутлибека РАХИМБОЕВА

ҚАДР ТОНТАН ҲОРИ

ЯШАМОҚ ЗАВҚИ СЕН ЯХШИЛАР ОНАСИ

Кокилдан зар сочилар тиллосоч қуёш,
Тошларга нурнақш чизгувчи, эй наққош қуёш.

Ёмғирсўзин майсаларга йўллаган булут,
Қўқда туриб майса билан куйлаган булут.

Ялғиздан ҳам, райҳондан ҳам
чаққон лолалар,
Қаро ердан олов бўлиб чиққан лолалар.

Йиғитларга учмоқ илмин берган дулдуллар,
Лол боғларнинг тилин очган
бийрон булбуллар.

Варрак билан парвоз қилган бола юраклар,
Бағрин кушга ватан қилган сахий тераклар.

Тол шохасин "Дилхирож"га ўйнатган шамол,
Ошиқлар деб оқшом шамга айланган ҳилол.

Бешик билан тенг тебранган
кўздай кўзmunчоқ,
Момолардан мерос қолган қумгон, ўт-ўчоқ...

Тирикликнинг ҳар суврати, ҳар бир нафасин
Жон ичига солиб олиб ҳамма-ҳаммасин,

Севиб-севиб, ишқ ичиде яшнагим келар,
Юз ёш, балки, ундан кўпроқ, яшагим келар.

Олимпиада чемпионоларининг оналарига

Сен оналар яхшиси, яхшиларнинг онаси,
Бутун сенинг кунингдир, тилагин тилагингни.
Султон хотин бўлдинг сен,

ўғлонинг баҳонаси,
Кўҳиқофдан бўлса-да, топаман керагингни.

Атиргул шохасига боғлаб тиллосимли тор
Қолган барча гулларга

"Омон ёр" куйлатайми?
Оқшомларда осмонни пойнига тўшаб бир бор,
Юлдузларни қизлардек дасталаб ўйнатайми?

Шаянингга тиклайми ё
Тоғмаҳал мисол қаср,
Хино шарбати билан унга ёзиб газаллар.

Малика мақомига муносибсан сен, ахир,
Олдиндан ўтаверсин парирўйлар, гўзаллар.

Жайхунни Сайхун билан
бошлаб келайми Шошга,
Табаррук қилиб берсанг теккизиб бармоқ учин.

Сувдан қудрат ўтармин,
сенга ўхшасан, кошки,
Кўлинг теккан дарёдан ҳовуч-ҳовуч сув ичиб.

Ор сабогин ўқитар сенинг она мактабинг,
Шундан таҳсил олмақда югургайман,
шошгайман.



1952 йилда туғилган.
Фарғона педагогика
институтининг ўзбек тили ва
адабиёти факултетини
туғатган.
"Уйғониш фасли", "Озодлик",
"Қоракўзларим", "Муҳаббат,
сен чиройлисан" каби
китоблари чоп этилган.

Устоз ўтрисидаги энг содиқ шогирд каби
Ҳар бир имо-ишоранг бажо
этмоқда шайман.

Қадр тонган юрт қадрин ўғлинг
кўтарди туғдай,

Баланд кўтарилган юрт
бекликка қодир бўлғай.

Йўлбарсюррак туғибсан,
шунчаки фарзанд туғмай,
Иста, истагинг учун ҳар ўзбек Хизр бўлғай.

БИРИНГ ЧИНОР, БИРИНГ ГУЛМИСАН...

Қизил гулни суярдинг, она,
Айландингни қизил гулларга.
Кўргим келиб ичларим ёнар,
"Қизим..." дерми борсам уларга...

Ота, қадрларнинг теракни,
Терак бўлиб қайта кўкардинг.
Соғинч тилкалайди юракни,
Айриликни оғир кўтардим.

Гулбаргларга лабимни кўйдим,
Гулхатинг — бу, менга ёдинг-да.
Она, зорлик бағримни ўйди,
Йиғлаб турдим гулнинг остинда.

Сенсиз йиллар ўтмай ўтгандек,
Бир сўз дегин, майли, койингни.
Яктагининг барин ўтгандек,
Ота, чўқдим терак пойига.

Ҳеч нарсадан камим йўқ гўё,
Бошимда уй: жоним саломат.
Дунё ичра бўшдай бир дунё,
Куним, туним, умрим омонат.

"Фарзандлар бор". Бу таскин ёлгон,
Омон бўлсин фарзандлар, бироқ.

Ўғлинг отанг бўлмас ҳеч қачон,
Қизинг онанг бўлмас сира.

Биринг терак, биринг гулмисан,
Ота-онанг, кошки, ўлмасан...

САМО — МЕНИНГ ТИЛСИМИМ

Набираларимга

Само — менинг тилсимим,
Солиҳ эса туморим.
Икки-уч кун кўрмасам
Тута бошлар хумори.

Само эртак "ўқийди",
Ғоҳи эртак "тўқийди".
Бехос китобин йиртса,
Укасини чўқийди.

Вижирлашиб, чопишса,
Тор уйимда базм бўлар.
Чала-ярим сўзлари
Дилда бутун назм бўлар.

Тугаб қолса эртаклар,
Зериктирса ўйини,
"Кетамиз"га тушишар,
Кўмсаб қолиб уйини.

Қиз боланинг боласи
Бола экан бировга.
Меҳмон кушчалар каби
Келиб-кетар бирровга.

Кўнгли осмонда бўлсин,
Тулпор, дулдул минишини.
Мен қаттиқ соғинсам ҳам,
Ўз уйда тишинсин!

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

"ҲАЛИЯМ ЁШ... ҲАЛИЯМ ЧИРОЙЛИ..."

1962 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Тошкент Политехника институтини тамомлаган. "Қаро кўзим. Шайх ур-раис", "Сунбуланинг илк шанбаси", "Тимсоҳнинг кўз ёшлари", "Парвоз", "Бир тун ва бир умр" каби китоблари нашр этилган. Р.Бредбери, А.Кристи, Ф.Браун, Э. Поттер ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилган.



Хизматга тўхмат, ёмон: буни бошидан ўтказган яхши билади.

Узбекистоннинг кенжа тоғи Қарим муаллимнинг кенжа тоғи Қарим пойтхатда кимё фани бўйича билимлар беллашувида қатнашиб, бир олам таассурот билан тўлиб-тошиб қайтиб келди ўзига хос "ҳисобот" маҳали кутилмаганда наинки фақат бобоси, балки бобосининг энг яқин жўрасининг ҳам газабига дучор бўлди-қолди. Ваҳоланки, аввалига ҳеч нарса қувончу хаяжон кўши порлаб турган кайфият осмонига қора булут чиқиб, момақалдироқ гўмбурлашадан, қақин қақнаши муздай жала куйишидан шохидлик бермаётган эди. Билъакс, ҳаммаси рисоладагидай кетаётган эди.

Одатдагидай, иккала жўра новвот чой устида гурунглашибгина ўтиришган эди. Аҳмад бобонинг бир мактабини кўйгиси келди ми, сафардан эндигина қайтган, ҳали нафасини ростлаб ҳам улгурмаган неварасини хонага чорлади, сўнг намоийшкорона гурур ила — жуда яхши кўриб кетган пайларидики одатига кўра "сиз"лаб, албатта — сўрадики:

— Ҳўш, Икромтой, сўйланг, қай юртларда бўлдингиз, қай зотларни кўрдингиз?

Табиийки, Икромтой деганларни булбулгўё бўлиб "Тошкентга саёҳат" тафсилотлари баёнига тушди. Ҳали ҳаммаси яхши эди, яхши ҳамми, ажойиб эди; буни юзи ёришиб кетган Аҳмад бобонинг мамнуният ила тинмай бош иргашини чақнаб турган кўзларидан ҳам илгаса бўларди. Бироқ гап орасида бийрон неваре тушмагур:

— ... Ха, айтгандай, театрга қираётиб Нафисахонимни кўриб қолдим, — деса бўлади-ми.

Аҳмад бобо аввалига нотўғри эшитдим, шеклиди, деган ҳаёлда сал сергақланди, илло, бундай гумонга бориш қулоғи оғирлаша бошлаган қарияларда тез-тез учраб туради; аммо, айни сонияда қандайдир савқи табиийи ила чурвака невараси айнан ўша номни тилга олганини аниқ-тиниқ туйди: исм қулоқлари тағида акс-садо янглиг бир неча бор янгради... Бирдан безовталаниб қолган чолнинг юзидаги шоён табассум сўнди, ўзини йиғиштириброк ўтирди, жўрасига қараб, унинг ҳам туйқус жиддий торганини, ранги сезиларли даражада қорайиб кетганини кўрди. Не-варасининг бошқа сўзларини эшитмаётган Аҳмад бобо шошиб сўради:

— Кимни дединг?

Бундай эйтибордан оғзи қулоғига етган Икромтой янада жўшди, ўз қаҳрамонлигидан ўзи хузулланган кўйи тезкор жавоб қайтарди:

— Узимизнинг Нафисахонимни-да. Сизларга...

Раҳмат бобо ортиқ чидай олмайди, кафтини хонтахтага урди:

— Алдама!

Икромтой ажабланди:

— Нега энди? Кўрдим. Мана, қишлоқдошлардан салом айтиб, бирга расмгайм тушдим.

Икромтой сўмасидан сурат чиқариб кўрсатди. Дарҳақиқат, унда Икромтой кимсан машҳур шоирнинг ёнида турарди.

Донг қотган қариялар, қўллари қалтираб, суратни олишди, унга узоқ термулиб қолишди. Алоҳа Аҳмад бобо оғир хўрсинди:

— Ҳалиям ёш...

Раҳмат бобо пичирлади:

— Ҳалиям чиройли...

Ажабки, иккала қариянинг ҳам товуши титтарди...

"Кул" этиб ютиниб олган Раҳмат бобо туйқусдан Икромтойга ёвқараш қилди:

— Утрикниям оларкансан-да. Бобонгга тортмасан, лекин. Ахир сен ким-у, Нафисахоним ким! Шундай улғу шоира келиб-келиб...

келиб-келиб сен билан расмга тушадими?

Аҳмад бобо пичинг қилди:

— Одам кўриб қолгандай...

Мақтов эшитишга чоғланиб турган Икромтой гарангсиб-каловланиб қолди, кейин ягона исботи — фотосуратга қўлини ниқтаганча эътироз билдиришга уринди:

— Мана, ўзларингиз кўриб турибсизлар-ку! Бу мен, бу...

Дарҳақиқат, исбот шундайгина чолларнинг кўз олдида турарди, моддий. Чўнтагидан қабарик кўзойнагини олиб, суратга диққат билан қараган Аҳмад бобо ўйлай-ўйлай, ахирий махфий сирнинг тағига етгандай қаноат ила писанда қилди:

— Исбот эмиш... Бу... ҳалиги... компьютерда расмдаги бир одамнинг бошини олиб, бошга қўйса бўларди дердинг-ку...

— Фотосопми? — гап ўзани қаёққа кетаётганини англамаган Икромтой баттар каловланди. — Фотомонтажми?

Чуқур тин олган Аҳмад бобо хулосасини эълон қилди:

— Буюм ўшанақа... шоп...

"Ха", деган тунга мадад. Раҳмат бобо ҳам шу захоти жўрасининг фикрини маъқуллади:

— Қип-қизил ўшанақа...

— Шоп, — жўрасига ёрдамга келди Аҳмад бобо.

— Ўша-да, — барибир нотаниш сўзга тили келишмаган Раҳмат бобо мутлақо ўрни бўлма-са ҳам негадир қадим ўзбек мақолининг бир қисмини орага тикди: — "Шап-шап" дегунча...

Бунга нима дейиш мумкин энди? Куппа-кундуз куни бир эмас, икки қария томонидан тўхматга қолган, фотосопчига чиқарилган Икромтой нимадир демоқчи бўлиб, бир неча марта оғиз жуфтлади, аммо тилига бирон жўяли сўз келвермагач, қўлини силтадию жahl билан хонадан чиқди-кетди...

Раҳмат бобо суратни кўзларига яқин олиб келди.

— Қара-я, қара, — гап билан ўртоғини ўйиб олиш имкониятини кўлдан бермади Аҳмад бобо.

— Қариб, кўзинг кетиб қоптими десам, ёшлигингдаям гўр эмасдинг ўзи. Нафиса бекорга сени "тўрткўз" демасди.

— Ҳечам-да, — жириллаб эътироз билдирди Раҳмат бобо. — У

мени сираям унақа демаган. Буни гайрилик қилиб ўзинг тўкиб чиқаргансан.

— Сенинг нимангга гайрилик қилардим? — ҳужумни давом эттирди Аҳмад бобо. — Мени унинг ёнида кўрсанг бўлди, кўзинг чақчайиб, бошингдан тутунинг чиқиб кетарди.

Даҳанаки жанг авжига чиқадигандай эди. Бироқ туйқус иккала қария худди буйруқ берилгандай бирдан суратга қарашди ва жим бўлиб қолишди.

Ниҳоят, орадан не фурсат ўтиб Аҳмад бобо маънос шивирлади:

— Сенга айтмаганим, жўра... бозор куни бориб, узоқдан кўриб келдим. Ҳалиям чиройли...

Раҳмат бобо оғир хўрсинди:

— Биламан. Мен чоршанба борганим. Роса қарадим... узоқдан... Ҳалиям ёш...

Иккала чол яна машҳур шоиранинг суратига узоқ тикилиб қолишди.

— Биз синфдош бўла туриб, унинг ёнига яқинлашолмай юрса-у, — ўпка-лаб гапирмоқчи бўлган Раҳмат бобонинг ногоҳ ўпкаси тўлди, кўзлари филтиллади, — тирранча неваранг бориб...

— Шунга айт... Алам қилади-да...

Ўзини кўлга олишига уринаётган Раҳмат бобо беихтиёр жўрасининг фикрини аниқроқ ифодалади:

— Одам... қизганаркан...

Аҳмад бобо тиззасига урди:

— Бўлмасан-чи... У ким-у...

Туйқус Раҳмат бобо аста суратга ишора қилди:

— Ҳассаси кўринмаяптими... Қизғиш эди... Аҳмад бобо маъқуллаб бош ирғади:

— Ёнғоқдан тайёрланган... Анов тирмизак ҳассаниям шоп қилгандир-да...

— Унингдан кутса бўлади...

Яна бир мuddат жим ўтиришди. Ҳар икковининг нигоҳи ўз-ўзидан суратга бориб қоларди.

Ниҳоят Аҳмад бобо хўрсинди:

— Ҳалиям ёш...

Раҳмат бобо бош ирғади:

— Ҳалиям чиройли...

Ой тўлган оқшомлари Ўзбековул ўзгача чиройли бўлиб кетади. Борлиқ аввал сугта чайиб олиниб, сўнг ҳарир пардага ўралгандай гўё... Бироқ бу тун овул кўчаларини бе-мақсад кезган, сўнг, гулдиллаб ураётган юрак-лари кўкрак қафасларига сиғмай қолгач, "ҳайё-ҳуйт" деганча кенг далага бош олиб чиқиб кетган икки қизганчиқ қария нечудир ҳеч нарсани, ҳаттоки атроф-жавонбининг фу-сункор ҳусини илғамаетган кўзларидики армон ёшларини бир-бирларидан яширган-ларича ора-сира "Ҳалиям ёш... Ҳалиям чирой-ли..." деб шивирлаб қўйишар, бу дил розла-рининг кимга тегишли эканини эса фақат ўзлари билишарди...

Гулрух ХУДОЁРОВА

1991 йили Навоий вилоятида туғилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти. "Истеъдод мактаби — VIII" республика ёш ишждорлар семинари иштирокчиси.



СОҒИНАЧ ОНА КЎНГИ

Бир сўзларки...

дилга оғир олдим яна.

Оғирдан қолишмади енгиллари.

Она қишлоқ, менинг онам сенга она,

Хотиржамми онамининг кўнгиллари?

Тандирида ёпган нони куймадим,

Сўлмадим райҳонлари, жамбиллари,

Ёки яна мени эслаб йиғлашга,

Хотиржамми онамининг кўнгиллари?

Қизи кетиб, қолмадим ёлғизланиб,

Эсладим укалари, сингиллари?

Тонгта яқин ухладими тун ўйганиб,

Хотиржамми онамининг кўнгиллари?

Онам билан соғу бемор бўлиб чиқдинг,

Сенга боғлиқ бахту боним кўп йиллари.

Она қишлоқ, тушларимга кириб чиқдинг,

Оғридами онамининг кўнгиллари?

ЭНГ ГЎЗАЛ ИНСОН

Ишга шовар баланд пошналар,

Ўзларинда жлолар жамдир.

Ҳамма пардоз қилар маҳалла

Кўчамизни супураб кампир.

Сўзга чечан эмас, эҳтимол,
Балки битта шеър ҳам билмайди.
Ўйлашимча, шу кампирчалик,
Ҳеч ким юртин яхши кўрмайди.

У Ватанин севдим демаган,
Эшитмаган кимса сасини.
Лекин тоза бўлсин деб Ватан,
Йиғиб юрар хору хасини.

Уни жуда яхши кўраман,
Орниман ранжитса кимдир.
Ахир ўзин пардозин ташлаб,
Юртин пардоз қилади кампир.

МУҲАББАТ

Сен чиройли изҳор айтардинг,
Мен чиройли уялар эдим.
Сен мардикдан тонгандин камол,
Мен ҳаёдан улғай эдим.

Термулардинг менга авайлаб,
Нигоҳларинг сувдай пок эди.
Одамларнинг қалби анордай,
Бизнинг юрак тонглай оқ эди.

Ҳамма айтса, сизни севдим деб,
Сен сўрардинг: Саломатмисиз?
Мен ҳам суйдим дейиш ўрнига
Қашф этардим янги-янги сўз.

Соғиндим деб айтмасдинг сира,
Суйдим десам бўларди уят.
Биз ҳеч қачон севдим демасдан
Яратгандик гўзал муҳаббат.

Кумуш ЎСАРОВА

Оёқ босмай ўтдинг, хазонни кўрсанг,
Гулзорда адашиб юрардинг буткул.
Бир зур юрагиндан гул бўйи келсин,
Менинг юрагимдан узгин атиргул.

Бехос нигоҳингдан музлади таним,
Кўнглимга қировдай инди қарашлар.
Кўзимдан қуёшни олгин, азизим,
Сенинг кўзларингга баҳор ярашар.

БАҲОР БИЛАН БОШЛАНГАН БАЙРАМ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этган тадбир мумтоз оханлар билан бошланди. Майдон марказида кўр тўкиб ўтирган Зулфияхоним атрофда ироқи дўппи кийиб, даста гуллар кўтариб олган қизақлар, кўксига қуёшдек порлаган медал тақдан шоира қизлар, фаол аёллардан иборат нафис мажлисга меҳру муҳаббат билан термулиб тургандек гўё.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири Э.Сиддиқова ва бошқалар шоиранинг аёл ва она сифатидаги гўзал фазилятлари, шеърятининг нозик жиҳатлари ҳақида сўзлашди. "Камолот" Ешлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллуди санасига бағишлаб ўтказилган онлайн викторина голиблари фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Гулу райҳонлар атри таралган, самони майин оханлар тўлдирган дав-рада ҳаётибахш шеърлар ўқилди, дилрабо куйлар янгради.

Вазира ИБРОҲИМОВА



Алишер Навоий асарларида ақл ва илми эъозлаб, "Одамзод наслнинг улуглиги билимдандир", "Илм-фан инсон учун мислсиз бойлик, зийнат" каби ғояларни тараннум қилган, жумладан, хотин-қизларнинг ахлоқий, ақлий хислатларини, қобилиятларини таърифлаган, тавсифлаган.

"Фарход ва Ширин" достонининг XXXV боби, яъни Миҳинбону Фарходга зиёфат бераётгани тасвирланган завқ-шафли лавҳада маҳорат билан яратган Дилором, Дилоро, Дилосо, Гуландом, Суманбўй, Сумансо, Паричехр, Паризод, Париваш, Парипайкар каби ўн нафар олима ва санъаткор қизларни улуг шоир дастлаб шундай таништиради:

**Келиб ҳар қайси бир фазл ичра моҳир,
Маҳорат шеваси ҳар бирда зоҳир.**
Шоира Дилором ва раққоса Дилоро:

**Бирини шеваси илми ҳақойиқ,
Бирини ашёр баҳри ичра ғаввос,
Бирини ашёр баҳри ичра раққос.**
Мантиқ илми устаси Дилосо ва астроном Гуландом:

**Бирини мантиқ русумида рақамкаш,
Бирини ҳайъат руқумида қаламкаш.**
Мантиқ сўзи нутқ, сўз маъносидан ташқари қонун маъносини ҳам билдиради. Демак, олима Дилосо қонуншунос ҳамдир.

**Файласуф Суманбўй, сўз устаси,
нотик Сумансо:**
Биринини шеваси илми ҳақойиқ,
Балогоғда бири айтиб ҳақойиқ.

Тарихчи Паричехр, ҳикмат илми билимдони Паризод:

**Бирини тарихда, сўз айлаб фасона,
Бирини ҳикмат фани ичра ягона.**
Хисобчи, иқтисодчи Париваш ва муаммо илми устаси, адабиётшунос Парипайкар:

**Хисоб ичра бирининг зичин бориб
Муаммода бирисини от чиқориб.**
Бу фанларда булар бир-бирини аҳсан Юз ул фанлар аро ҳар қайси яқфан —

дея гўзал сатрларда таърифлайди ҳамда илк Уйғонини ва Темирийлар ренессанси даврида тараққий қилган фанлар тизимига алоҳида тўхталади. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, Алишер Навоий бу каби фанлар гуруҳини мазкур достоннинг Абулфаворис Шогариб Мирзога бағишланган бобида ҳам санаган ва унга, у орқали ёшларга "Кўёшлик истасан қасби камол эт, Камол ар қасб этарсен, бемалол эт" дея насиҳатлар битар экан, шахзодага, навқирон авлодга намуна қилиб "Валек ул, илм сори топти чун даст, Кўзи олинда бўлди осмон ласт", дея Улуғбек Мирзони шарафлаб, ҳурмат билан тилга олган.

Навоийшуносликда ўн нафар олима, санъаткор қиз образининг айрим жиҳатлари академик В.Зоҳидова, навоийшунос адиб М.Шайхзода, профессор С.Эркинов каби устозларимиз томонидан ўрганилган.

Достонда Навоий бу қизлар образини "Ширин бисотининг надими", "Миҳинбону харими", "Зиҳи ўн исми дилшас", "Ун шўхи моҳир" каби сифатлар билан алоҳида сифатлайди. Умуман, Навоий ҳар бири бир илм ва унарнинг эгаси бўлган тадқиқот-

чи, ижодкор қизлар образи орқали ўзининг хотин-қизлар масаласига қарашини алоҳида бадиий талқин қилган. Буни М.Шайхзода: "Хотин-қизларга бағишлаб ёзилган ҳар бир мисра Навоийнинг уларга зўр ҳурмат билан қараганини кўрсатади", деб юксак баҳолаган. Шоир уларни "сўзлатади", уларнинг илмий салоҳиятини, даражаларини "сўзлатиш" асосида очиқ беради экан, "Ҳақонда қолмади ул етмаган илм, Билиб таҳқиқини касб этмаган илм", дея таърифланган Фарходдай дошизманд

шахзода йигитнинг бу ўн олима, санъаткор қизларнинг билимдонлиги сабаб, ҳатто ўзининг ўзлаштирган билимларини ҳам текшириб кўрганани, хотирасини ишга солиб, синовдан ўтказганини шундай ифодалади:

**Аларга чун таамул қилди Фарход,
Унутгон нуқталарини айтади ёд.**
Иш қўрган, зийрак малика Миҳинбону савол-жавоб туйфайли Фарходнинг шахзода эканини сезади ва Шириннинг Фарходга бўлган кучли муҳаббатига қаршилик қилмайди, йўл беради. Демак, ўн олима, санъаткор қизлар образи дoston сюжетини ўзига хос усулда ривожлантиришга ҳизмат қилган. Аммо улуг шоир бу бобда малика Миҳинбонунини "сўзлатмайди", яъни унинг тилидан Фарходни Ширинга ҳам, ўн олима, санъаткор қизларга ҳам расмий таразда таништирмайди. Маълумки, Алишер Навоий достонда Ширинга Фарходнинг валиҳуд шахзода эканлигини ўзи тилидан, яъни Ширинга ёзган "номаи мақсуд"да билдиради.

Навоий давр зиёлилари, қалам аҳли машғул бўлган илм-фан турларини, касб-хунларини, айниқса, уларда етакчи хотин-қизларнинг истеъдодини лирик лавҳаларда дадиллик билан бадиий гавдалантиради. Шоирга бундай дадилликни, журъатни берган куч, илҳом, муҳит бу — Темирийлар Ренессанси даври эди. Академик М. Хайруллаев "Урта Осиёда илк уйғонинг даври маданияти" китобида ёзади: "Алишер Навоий мутафаккир шоир, олим, маърифатчи эди. Унинг узок йиллар давомида темирий шохлардан Хусайн Бойқаро саройида доно маслаҳатчи, вазирлик фаолияти ҳокимиятини маърифат йўлига йўллаб туришида, уйғонинг маданиятини таъминлашда ниҳоят муҳим аҳамият касб этди". Ун нафар олима, санъаткор қиз фаолияти олиб борган илмий-ижодий муҳит сабабчиси малика Миҳинбону эканини, унинг давлат бошқарувида-

ДИЛОРОМУ ДИЛОРОЮ ДИЛОСО...



ҳикмат эгалари бўлган олима, санъаткор қизлар образи шоир ижтимоий қарашларининг бадиий талқини ҳамдир. Алишер Навоий Шарқ адабиёти бисотида мавжуд образлардан давр талабига мос мавзу-мақсадларни ифодалашда ўринли фойдаланиб, Темирийлар Уйғонинг даври маданиятига хос жиҳатларини очиб берган. Масалан, Низомий Ганжавий "Хусрав ва Ширин" достониди ўн нафар қиз образини Шириннинг қизлари номи остида тилга олиб тасвирлайди. Бу қизлар:

**Апорғўш ўпта қиз севгида мастлар:
Фарангис Сухамли сарболо,
Ажабушу Фалакнозу Хумайло,
Хумоуну Сумантуру Паризод,
Хутанхотуну Гавхармулки дилшод...**
Алишер Навоий яратган ўн олима, санъаткор қизлар образи Низомий Ганжавий яратган ўн нафар пассив қизлар образидан етуқлиги ва улугворлиги билан фарқланиб туради. Достон аввалида шоир:

**Не гавҳар, балки илму фазл қони,
Дема қонким, дегил қўхи маъноий —**
деган шохбайтни ёзар экан, шу ўн олима, санъаткор қизларни ҳам назарда тутган.

Достонда Фарход образидан ташқари ушбу қизлар образлари воситасида аёллардаги муҳаббат, гўзаллик билан бирга улардаги ақлу фаросатни эъозлаш, қадрлаш масаласини ҳам кўтарган, ўз давридаги ижтимоий-сиёсий муаммоларни, таълим-тарбия масалаларини ҳам қаламга олган. Хулоса ўрнида устоз навоийшунос, профессор С. Эркиновнинг "Асарда маърифатли аёллар образларининг яратилиши гуманист шоирнинг асрлар давомида аёлларнинг яширин қолиб кетаётган куч, қобилият, бекиёс иқтидорларига бўлган қатта ишонч сифатида кўзга ташланади", деган қимматли фикрларни эслашни жоиз деб билдик.

**Буробия РАҲАБОВА,
филология фанлари номзоди**

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ИН ҚУРГАН СЎЗЛАР

Шоирлар кўп, шеър кўп ёзилади. Лекин ўқиганинда ҳайратлантирадиган, дардмандлиги билан дардингни олади-ган, кўнглинга меҳр соладиган шеърлар кам топилди. Айниқса, мағзи тўқ бағишлов шеърлар ноёбдир.

Бирок Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёвнинг "ЎзАС"нинг янги йил (2017 йил, 1-январ) сониди эълон этилган туркумида таниқли шоира Ҳалима Худойбердиевага "Бағишлов" шеърини ўқиганинда, олдинги таассуротларим ўзгарди. Бағишлов шеърини ҳам шундай "тарҳи тоза" услубда, тугёнли туйғулар, опаларча гамхўр самимият билан ёзса бўлар экан. Шеърдан қадимий мумтоз адабиётимиз, халқ оғзаки ижодиёти нафаси уфуриб турибди.

**Қалдирғочлар ин қуради сўзингда,
Шўх оҳулар югуради бўзингда,
Эрк гуллари қулф уради изингда...**
Нақадар чиройли, оҳорли, айни пайтда, мадҳ этилаётган сиймо сифатларига монанд, муносиб шоирона топилама образлар! Сатрлардан англашиладики, шоирнинг сўзлари қаққашони жуда юксак, мунаввар. Шунинг учун қалдирғочлар шу бахт ошёнида ин қуради. Шоира бўзлаганида навобахш тараннумнинг хузурбахш, умидбахш оҳангларида шўх оҳулар рақсга тушади. Шоирнинг хурриятпарвар фикр-ғоялари мустабидлик ва тақий пардаларини шундай шаддоқлик билан ёриб, парчалаб ўтардики, унинг изларидан хуррият гуллари қулф уриб очиларди. Унинг шу руҳдаги дилбар шеърлари мустабид тузум давридаёқ халқ ёдига ўрнашган.

Ўзбек шеърини симфониясида Ҳалима Худойбердиевнинг овози баралла ажралиб туради. Бу овознинг ўзига хослигини "Овозининг бир сифати тугёндир, Бир нисбати армон, ўтли исёндир, Бири чазма, бири телба бўрондир" тавсифлари жуда муносиб сифатлайди. Адабиётимизда бос урвчи шоирлар бор. Улар кўп экан, бармоқ билан санарли, холос. Шулардан бири Ҳалима-хонимдир.

Ҳар бир елканг қирқ гам тоғин ортали.
Ушбу мисра зимнида нақадар ҳаққоний мазъун ва бенасир ташбех бор. Унда мумтоз адабиётдаги "гам юки" образи қайта ҳаёт топган. Бу мисра Муниснинг мана бу сатрларини эс-латади:

**Фалак гам юкларин солганда элга,
Ёғиринга менинг кўймиш оғирини.**
Билурсен гам юкин кўп чекканими Ёғирин устида кўрсанг ёғирини.

Фарқи шундаки, Мунис ўз дардини ҳис қилиб ёзган. Ойдин шоир эса ўзга дардини чуқур ҳис этиб, чинакамига ёрита олган. Ўзидан кўра бошқа қалб туйғуларини тушуниб, яққол акс эттириш оғирроқ, назаримизда. Бунинг учун

Назаримизда, Ойдин Ҳожиёва янги шеърлари билан замондош ёш шоирларимизга ибрат намунасини кўрсатди. Биз қана энди йил давомида эълон этиладиган шеърларда ҳам шундай савияни сақлай олсак, дея ниёт қилдик.

**Нусратулло ЖУМАХУҲА,
филология фанлари доктори**

бадиий маҳоратнинг ўзи етарли эмас. О.Ҳожиёва бу сатрларни Мунис образларидан таъсирланмай ёзган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бунда муболага янада оширилган.

Одатда, шоирларнинг салоҳияти ҳақида олимлар ёзилади ва бу салоҳиятнинг ҳосияти, кучи нимадалиги, нақадарлигини белгилаб беришади. Асли, буни фақат илмий йўл билан эмас, бадиий усулда ҳам ифодалаш мумкин экан:

**Сукунингда уқлаб ётар вулқонлар,
Имонингда уйғоқ ётар эрк-шонлар,
Камонингда ўқ бўлади сўз-дошлар...**
Шеърда муболаганинг юксак шакллари қўлланган ҳайратланарли.

Ушбу шеър бандларининг яқунловчи мисраларида шоирнинг зуваласи ҳайрат, шиддат, қудрат, ҳасрат, журъат, ҳиммат, сабот ва шоирлик каби ноқир фазилатлардан қорилгани умумлаштирилган. Асарда шоирнинг адабий портрети-киёфаси бадиий услубда яққол гавдалантирилган. "Бағишлов" шуниси билан юксак бадиий маҳорат махсулидир.

Туркумдаги "Тўртлик" мумтоз шоирларимизнинг қадимий халқлик услубини ёдга солади. Бу нуктасанжлик ва топқирлик белгисидир. "Лавҳа" шеърдаги "Алиф-ломга ўшар Қушлар излари", "Ариқча жилдирар Еринг дардлари", "Тарновлар" тишлаган" новот сумалак" сингари ифодалар ҳам ноқир бадиий топилмалардир.

Нега шоирларимиз дунё дардларидан наъра тортмайдилар, деган бир ташвишимиз бор эди. Дунё ҳарҳатларидан баралла бонг урадиган шеърларни соғиниб қолган эдик. "Дунёнинг жароҳати" шеъри ана шу жиҳатдан айни муддаодир.

**Ота ўққа ўчкан,
Она сувга чўккан,
Ватанга сизмаган,
Эрк деб йиғлаган,
Ўққа нишон бўлган
Кийик сингари
Оҳу нажат сўрар
Ҳалаб болалари,
Араб болалари.**

Бу шеърда дунёнинг глобал дарди бадиий-публицистик йўсида ёритилган. "Бир парча Ватан йўқ, Бир парча ёр йўқ, Нимжон бўлди" "Илм" этган нур йўқ, Болалиги увол, Шўхлиги увол, Юлдуз кўрмай умри Бўлмоқда завол" — мусофири болалар тақдирни бугун бутун инсониятни кайғуга ботираётган умуминсоний муаммодир.

Назаримизда, Ойдин Ҳожиёва янги шеърлари билан замондош ёш шоирларимизга ибрат намунасини кўрсатди. Биз қана энди йил давомида эълон этиладиган шеърларда ҳам шундай савияни сақлай олсак, дея ниёт қилдик.

**Нусратулло ЖУМАХУҲА,
филология фанлари доктори**

“ҚАЛБИНГДАГИ АЛАНГАНИ ЎЧИРМА”

2015 йили адабиёт соҳаси бўйича халқаро Нобел мукофоти белоруссиялик адиба Светлана Алексиевичга берилди. Ёзувчининг ижодидан хабардор ҳар қандай китобхон унинг асарлари бу юксак мукофотга лойиқ эканини эътироф этиши тайин. С.Алексиевич ёзувчининг олий мақсади ҳақида гапириб: "У ҳақиқий инсоншунослик туйғуси билан яшашни муқаддас деб билади", дея таъкидлайди.

Ўтган йили хоризмга қилган сафарлари чоғида адиба кўп жойларда маърузалар ўқиди. "Очиқ мулоқот" таразидида ўтган бундай тадбирларда ўқиган маърузалардан бирида адиба болагинини ёдга олади: "Урушдан кейинги йилларда болагимнинг ширин дамлари қишлоқ билан боғланди, болагининг улғайиши эса ўша даврларда тез кечди. Қариндошларнинг гам-ғуссага тўла оғир ҳаёти, айниқса, уруш ўчоқларида куйиб-ёнган қишлоқ ва уйларни қўриб, жабрдийдаларнинг ҳижоасини тинглаб, мен ҳам уларга қўлиб қолгандай, одамлар қаторига қўшилиб ўша азоблар ичида тоблангандай эдим. Қалбининг бир четида безовтали, ачиниш туйғуси оромини ўғирлади..."

Уруш йиллари қишлоқда яшаётган аёлларнинг бева қолгани, улар ҳамма учун тер тўкиб меҳнат қилгани, оила, рўзгор ташвишидан қаттиқ эзиллигини, урушдан эркаклар қишлоққа 50-йилларнинг бошларида қайта бошлагани — ҳамма-ҳаммасини ўз бошларидан кечирган аёлларнинг аламли ҳижоасини адибанин "Уруш аёллар иши эмас" асариди муҳрланган. С.Алексиевич улар даврасида бўлиб, гам-андуҳларини эшитган, уруш азоби, шафқатсизлик, аянчли қийфалар, аччиқ зуғумлар унинг кўз ўнгига бир-бир жонланган. Шу сабабли ушбу сўзларни очикқасига баралла айта олди: "Дунёда энг ёмон ва энг қабиҳ

иллатлардан биттаси бу ашаддий миллатчилик, ўз сиғинган динини бошқа динлардан устун қўйишдир".

Адибаниннг бу каби теран фикр-уйларини китобларида тез-тез учратамиз. Уларга сингдирилган даъваткор оҳанг, ҳаққоний пафос, ростгўйлик, ўқувчилар қалбига жасоратдек юксак инсоний туйғунини тарбиялайди. Чунончи, "Қалбингдagi ёниб турган алангани ўчирма, энг асосийси, ўзингни сақла, ҳақиқатни сўзла", деб ёзади у. С.Алексиевич доимо ҳақиқатпарвар инсонларга маъқул гапни такрорлашни яхши кўради: "Хар доим тўғрисини айт!" Бундай эътиқод билан қалам тебратган ижодкор, чиндан-да, халқаро микёсда эътироф этилишига лойиқ, албатта.

Ёзувчи Чернобил ҳалокати ҳақидаги китоби устида ўн бир йил ишлаган. Дунёни ташвишга солган бу офат оқибатида одамлар яшаб турган уйларини ташлаб кетишган, ҳатто мушук ва итларини ҳам олиб кетолмаган, чунки жониворлар ҳам нурдан захарланган эди. Энг ҳам шатлиси эса яқиндагина севиб-севилиб турмуш қурган келин-кувёли қисмати. Ҳалокат юз берган реакторни ўчирган ўт ўчирувчи-кувёни қургани касалқонага борган қайлиғини унинг олдида қиритишмайди. Ҳарбийлар келинча: "Севган йигитингиз энди сизники бўлолмайди, у ҳалокат объекти ичида қол-

ган", дейишади.

Бундай аччиқ ҳақиқатлар, одамлар бошига тушган қурғин ҳақида ҳақида ўқиш чиндан-да оғир.

Светлана Алексиевич афгон уруши ва унинг оқибатлари ҳақида ёзган "Темир тобутдаги бола" китоби чоп этилган, кўнглисиз воқеаларга, ҳужум ва ноҳақ айбловларга дучор бўлалди. Афғонистондаги урушда қат-

Кўнгли минтақаси

нашган собиқ шўро ҳарбийлари — генераллар, зобитлар биз ватанпарвар ҳарбийлар шаънига тил теғиздинг, дея китоб муаллифига таъна-дашномлар ёғдира бошлаган, адибани судга беришган, тергов ва сўроқлар анча давом этган. Ҳатто "темир тобут"да ўғлининг жасадини қабул қилиб олган айрим оналар ҳам бу китобдан норози бўлишгани, ҳақиқатни таъ олмагани жуда ачинарли.

Светлана Алексиевичнинг бу китоби ҳам ҳозиржавоблик билан ёзилгани ва катта журъат намунаси сифатида жаҳон афкор оммасига, миллионлаб китобхонларга манзур бўлгани, Нобел мукофоти қўмитаси аъзолари бир овоздан унинг номзодини маъқуллагани, ижобий баҳолагани белоруслик адибаниннг истеъдоди ва жасоратидан далолатдир.

Мен С.Алексиевичнинг "Темир тобутдаги бола" китобини ўқиш

жараёнида кўнглимда армонга айланган туйғуларга ҳамоҳангликни туйдим. Гап шундаки, ҳар гал қишлоғимга борганимда қир бетидега қабристондаги ота-онам ва синглимнинг қабрларини зиёрат қиламан. Қабристоннинг чикиш жойидаги бир қабр тепасида пачоқланиб ётган темир тобутга кўзим тушганда юрак-бағрим эзилди.

Ёдимга ўша афгон урушида ҳалок бўлган аскар таъзиясига келганим, қишлоқдошим ва дўстим Қаноатнинг ўн тўққиз ёшли ўғли Қўймиддин келади. Уни шу тобутда олиб келишган-ди. Аскарнинг отаси Қаноат ва онаси Насибаниннг тобут устига оққан аччиқ кўз ёшлари, тобутни очишгандаги доду фарёдлар кўз олдимда гавдаланади...

Светлана Алексиевич ўз асарларида урушнинг инсонлар бошига соладиган қабоҳатларини, айрилиқ ва жабру ситамларини ростгўйлик билан ҳикоя қиларкан, дунё халқларини бу офатдан огоҳ этади, тинчлик ва барқарор ҳаёт учун тиминсиз кураш олиб боришга чақиради. Унинг китобларини ўқирканман юртимиздаги тинчлик, осейишталлик, юртдошларимнинг тинч-тотув ҳаёти мислсиз бахт-саодат эканига яна бир қарра амин бўламман. Ва беҳиштер кўни қўрган, оқсоқол нуруний ҳамюртим Абдулоқот ота Ҳамроёвнинг тўй-маъракаларида дуога кўл очиб: "Дунёни тинч, турмушчида доимо осейишталик барқарор бўлсин. Ўзбек элнинг бахту камолига кўз теғмасин", деган эзгу тилаклари қулоғимда қайта-қайта жанранглайди.

**Жуммакул КАРИМ,
фалсафа фанлари номзоди**

“ЁШЛИК”

2017 йил, 1-сон

Матонатли инсонлар ҳаммаша кўпчилиқка ибрат бўлиб келган. Уларнинг метин иродаси, ҳар қандай ҳолат, шароитда ҳам ҳаётга, яшашга иштиёқи сўнмаслиги ўзи бир мўъжиза. Ёзувчи Фафур Шермухаммад "Йўлбарс юрагини еган аёл" — муноклиқ Манзура Ерниязова ҳақидаги очеркида бахтсиз тасодиф оқибатида ногирон бўлиб қолган, сабр-қаноат ва ирода кучи билан ўзини тиклаб, тўрт мучаси, соғ одамларга ҳам ибрат кўрсатганини ҳикоя қилади.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг "Тинчлик тили — номли туркуми,

навқирон шоирлардан Талант Бек ва Гулзорой Абдувосиевнинг шеърларини ҳам журналнинг ушбу сониди ўқийсиз. "Неваракулча" рукнини остида Рустам Назарнинг болаларга аталган шеърлари босилган.

Насрий асарлар сирасидан ёзувчи Асад Дилмуроднинг "Оқбадан париваш нигоҳи" ҳамда Умид Алининг ҳикоялари билан танишасиз.

"Ҳозирги кунда сўзларга ўзгача маъно юклаш, сўз биланам деб кўчракка уриш касали авж олди", деб ёзади адабиётшунос З.И.Сомиддинов "Не қилайин сенинг била, эй тил..." мақоласида.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар

назаримизда, Ойдин Ҳожиёва янги шеърлари билан замондош ёш шоирларимизга ибрат намунасини кўрсатди. Биз қана энди йил давомида эълон этиладиган шеърларда ҳам шундай савияни сақлай олсак, дея ниёт қилдик.

**Нусратулло ЖУМАХУҲА,
филология фанлари доктори**

“САОДАТ”

2017 йил, 1-сон

"Вақт ўтгани сари ҳамма нарса унут бўлади", деган фикр бор. Лекин инсоният тарихида шундай шахслар бўлдики, уларнинг табарруқ номи ҳар бир давр, ҳар бир авлод билан янгиланади. Чунки бундай шахсларнинг ҳаёти, фаолияти, ҳатто айтиб, ёзиб қолдирган сўзларида ҳам қайсидир замонагина эмас, абадиятга дахлдор ибратлар бўлади." Ушбу фикрлар Хотин-қизлар журналининг илк саҳифасидан жой олган Қ.Раҳимбоевнинг "Буюк инсонларнинг ёди ҳам буюқдир" номли мақоласида келтирилган. Буюк Йўлбошимиз, мустақиллигимиз Бош меъморининг улуг амалларига бағишланган "Оддийликдаги буюқлик" номли яна бир мақола Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёвнинг ёрқин хотиралари ва ҳаяжонлари билан йўрилган. "Зоҳирию ботини гўзал" номли мақола муаллифи Муҳтара-

ма Улуғова Гулчехра Воҳидова билан Ўзбекистон Қаҳрамини, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг аёлларга бўлган меҳру муҳаббати, инсоний маданияти лутф фазилатлари ҳақида суҳбат қуради. "Аёл турмуш ўртоғи билан чинакам аёлга хос назокат, нафосатни ҳис этиб яшаса, гўзалликка интилса, бу унинг бахтиёрлиги белгиси", дейди "Севсанг, севимли бўласан..." номли мақола қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Галина Мельникова.

Журнал саҳифаларидан, шунингдек, "Оқмайдиган тош" (Б.Саидова), "Ота дўстининг хиёнатини" (Х.Жабборов) сингари ҳикоялар, "Ҳар бир дарси байрам" (М.Элмуродова), "Ўзбекистондаги кичик овулча" (Д.Раҳмонова), "Иллатнинг илдизи қарғар?" (Ф.Жалилова) номли қизиқarli мақолалар, инглиз тили сабоқлари, уй бекаларига бағишланган саҳифалар, янги рунклар ҳам ўрин олганли, улар журналнинг янги йилдаги илк сони ранг-баранг ва ўқишли бўлишини таъминлаган.

**Нусратулло ЖУМАХУҲА,
филология фанлари доктори**

Асрлар давомида одамлар қалбида эзгу туйгулар уйғотиб келатган куйлар мудом бастакорлар ардоғида бўлиб, уларнинг ижоди ҳар даврда сайқалланиб туради. Бадний назиранинг бир кўриниши бўлган бу анъана туғайли қадимий куйлар доимо нафқирондир. Фикримиз санъатимиз дарғаси, беназир ҳофиз-бастакор Ҳожи Абдулазиз Расулов ижодида бетакорро жило топган "Самарқанд ушшоғи" мумтоз ашула йўли мисолида асослашга уриниб кўраимиз.

Ривоят қилинишича, Ушшоқнинг қадимий ил-дизлари Нух алайҳиссаломнинг мунгли нидо оҳанглари негизда юзага келган. Дарвиш Али Чангий берган изоҳга кўра, Нух пайгамбарнинг асл исми Ишкар бўлиб, «нух» эса «ноух» (навха) сўзидан олинган ва мазмунан «йғи» маъносини англатади. Нух алайҳиссалом кўп кўз ёш тўқкани сабабли шу номни олган.

Эзгу туйгулар билан яшашга ўзига хос мусикий давват бўлган Ушшоқ оҳанглари барча давр-

Хоразмий газалларидан илҳом олган бастакор уларнинг ҳар бирини "Ушшоқ" мақом йўлига узвий пайвандлаган эди.

Маъмур намуналари барчаси, "Ушшоқ" номли бошқа ашула йўллари (Талқини ушшоқ, Насри ушшоқ, Тошкент ушшоғи ва б.ддан фарқи ўлароқ, дастлаб Уззол куйи билан бошланиб, сўнгра Ушшоқ оҳанглирига уланиб кетади. Бастакорликда янгилик бўлган бу ҳолат, назаримиз-

Ўлмас оҳанглар

лиш гоёси Зебуннисо газалида мавжудки, бунда мафтункор бир нуқта(қаро кўз нигоҳи)дан юзага келган ошиқнинг руҳий кўзаллиши ҳусн соҳибининг гўзал жилваларидан буткул сармаст ҳолатга етишади.

"Самарқанд ушшоғи" Уззол куй тузилмаси асосидаги чолгу муқаддимаси билан бошланади. Ижрочи ҳофиз Уззол куйининг қисқартирилган (яъни, хонандалар учун кийинчилик туғдирувчи кичик октавадаги "ля-оль" товушларидан воз кечилган) негизда дастлабки байт (хат)ни "ўқийди":

Бийки зулфи кажу чашми сурмасо инжост, Нигоҳи гарму адо ҳойи дилрабо инжост.

(Зулфи халқа-халқаю кўзи қаро бу ердадир. Боқиши шафқатли-ю, нозик адо бу ердадир.— М.Муинзода таржимаси). Шундан сўнг "а", "о" унли ҳарфлари ҳамда "ҳай жоним" каби ундовли ундалмаларда келган "ҳанг"лар ўлароқ ишқ учқунлари аланга ола бошлайди. Ана шу жараёнда Ушшоқ (ошиқлар) куйининг иккинчи хатга асос бўлиб келиши ва бунда биринчи байтнинг тақрорий "ўқилиши" ҳар жиҳатдан мантиқий кўринади. Шу аснода Уззол куйи асарнинг бош мавзусига ўзига хос дебеча вазифасини бажаргани аёнлашади. Учинчи хат давомида Ушшоқнинг юксалма ҳаракатлари пировардида, изтиробли руҳиятнинг янги ва янги қирралари намён бўларкан, пировардида тўртинчи хатга келиб орақиб кутилган завқли авж (висол) онлари намён бўлади. Бу завқли онлар Уззол намуди (5 хат)га уланиб, интиҳо топа бошлайди. Ва ниҳоят, асарнинг туширим қисми бўлган 6-хатга келиб бу ишқ қиссаси Зебуннисонинг куйидаги теран мисраларига пайваста келган Ушшоқ куйи қарор топиши билан хотимланади:

Закоти ҳусн агар медиҳи барон Худо, Бийки Зебуннисо ҳамчу ман гадо инжост.

(Истасанг ҳуснинг закотини берарга мустаҳиж, Келки, бу Зебуннисо янглиғ гадо бу ердадир.— М.Муинзода таржимаси).

Хулоса қилиб айтганда, Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг ижодий топқирлиги билан "жонланган" қадимий куй Зебуннисонинг қалб ҳарорати билан йўғрилган газали мазмунига ҳамроҳанг тарзда тингловчини завқли ҳайрат оламга чорлайди. Шу боис ҳам "Самарқанд Ушшоғи" абадиётга дахлдор мумтоз гўзаллик намунаси ўлароқ қалбарни хануз зийнатлаб келмоқда. Бу гўзалликни тингловчи оммасига етказиш борасида Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг беқиёс ижроси барча санъаткорлар учун юксак намунадир. Кейинги авлод вакиллари — Микол Толмасов, Барно Исҳоқова ва Берта Давидовалар шу намунага муносиб интилишлари билан эл олқишига сазовор бўлдилар. Бугунги кунда эса Махмуд Тожибоев ва Насиба Сатторова бу олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ

"САМАРҚАНД УШШОҒИ"

ларда башарият эъзозиди бўлди, ўтмишда (урта асрларда) машҳур бўлган "Етти мақом" ва "Ун икки мақом" тизимларидан барқарор ўрин олди. Шунингдек, "Шашмақом", "Хоразм мақомлари" ва "Фарғона-Тошкент мақом йўллари" таркибида ҳозирги даврда ҳам гўзал садоланаётган "Ушшоқ" намуналари асосида "Самарқанд ушшоғи", "Содирхон ушшоғи", "Қўқон ушшоғи", "Тошкент ушшоғи" каби назиралар юзага келди. Бир манбага таянган бу мумтоз намуналарнинг ҳар бири алоҳида бадний қиммати ва байзу таровати билан қадридлидир.



Инчунин, Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг ижодкорлиги ижрочилик салоҳияти ила яралган "Самарқанд ушшоғи"да мумтоз куй ҳамда шох ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур авлодидан бўлган дилбар шоира Зебуннисонинг юксак ишқ ўти ила ёзилган "инжост" ("бу ердадир") радибли газали ўзаро уйғунликда беқиёс гўзаллик кашф этади.

Шу ўринда "Шашмақом"ни илмий-амалий жиҳатдан мукамал билиш баробарида Фарғона-Тошкент ва Хоразм мусиқа услубларини ҳам пухта ўзлаштирган Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг ёшлиғидан Шарқ мумтоз шеърини яхши хисли билан бўлганини алоҳида қайд этмоқ керак. Хусусан, форс-тожик ва туркий-ўзбек тилларида битилган муҳаббат мавзусидаги кўплаб оташин байтларни ёд олган устоз санъаткор шеърларнинг зоҳирий-ботиний маъноларини теран англаган ҳамда улардан ўринли фойдаланган. Жумладан, Масихо муҳаммаси, Зебуннисо ва Қомил

да, Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг беқиёс мақомдон ҳофизлик санъати билан изоҳланади. Маълумки, устоз ижрочилигида мақом шўба (ашула)-ларининг авжлари алоҳида кўркамлик ва ҳар гал янги жиловлар касб этган. Айни вақтда "Шашмақом" Рост туркумидаги "Ушшоқ"ларининг авжи ўлароқ Ушшоқ намуди билан ёнма-ён келган Уззол намуди ижодкорни "Самарқанд ушшоғи" яралишига ундаган бўлса ажаб эмас.

Хуллас, Ҳожи Абдулазиз яратган "Ушшоқ"ларнинг барчаси шу тарзда Уззол куйи билан бошланади. Бироқ бу намуналарнинг шакл тузилишларида сезиларли фарқлар бор. Масалан, Масихо муҳаммаси асосидаги "Ушшоқ"да куй тузилишлари шеър (муҳаммас) шаклига монанд ҳолда кенгрок кўринишда келиб, тақрорланувчи оҳанглар асосида айтим мисраларнинг салобати ортиб боради. Академик Юнус Ражабий томонидан Огаҳий муҳаммаси билан нотага олинган "Самарқанд ушшоғи"да ҳам шу ҳолат сақланган.

Зебуннисо газалига пайваста келган "Самарқанд ушшоғи" эса бу ўринда ичмачор шакллари намён этади. Шу билан бирга, асарнинг умумий тарҳи ҳам "Инжост"да келган етти байтдан бештаси қўланиши эвазига нисбатан мухтасар тус олган. Аммо бундай қисқартмалар "Самарқанд ушшоғи"нинг юксак мақсадига, завқли авж ҳолатларининг юзага келишига монелик қилмайди. Зотан, руҳий юксак

СИРЛИ ОЛАМ ЖИЛОЛАРИ

Пойтахтимизда фаолият олиб бораётган "Хунарманд" уюшмаси Тошкент давлат педагогика университетидеда "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" илмий нашриётида чоп этилган "Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий санъати" энциклопедиясининг 1-жилди тақдимоти ни ўтказди.

"Санъатда яширинган сирли олам" мавзусидаги мазкур маънавий-маърифий тадбирда уюшма аъзолари, халқ усталари, хунармандлар, амалий санъат намояндалари, нашриёт муҳаррирлари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар қатнашди. Анжуманда сўзга чиққан университет проректори О.Қўйсинаев, "Хунарманд" уюшмаси раиси А.Ҳакимов, Ўзбекистон халқ усталари Т.Зуфаров, М.Мамажонов ва бошқалар энциклопедиянинг аҳамияти, унинг ёшларнинг илмий билим ва салоҳиятини оширишдаги ўрни ҳақида гапирдилар.

Ўзбек халқ амалий санъати, тарихи ва назарияси, миллий хунармандлик турлари, амалий санъат усталари, хунармандларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар жамланган ушбу китобни тайёрлашда ижодий гуруҳ аъзолари (А.Ҳакимов, Л.Мирзаева, Л.Мухомтова), масъул муҳаррир Ф.Ҳасанов, нашриёт ижодий ва техник ходимларининг хизмати катта.

Тадбир доирасида уста-хунармандлар асарларидан ташкил топган кўргазма намойиш этилди.



Тақдимот

"АТИРГУЛЛАР ҚИСМАТИ"

Аёлни улуглаган жамиятда, энг аввало, оила эъзоз топади, ахлоқий қадриятлар шарафланади. Аёлни ҳаётимиз давомчиси, хонадонимиз чароғбони, маънан етук авлодни тарбиялаб вояга етказувчи муҳтарам зот сифатида ардоқлаймиз. Бир сўз билан айтганда, аёл буюк тарбиячи, буюк мураббиядир.

Ўзбек давлат драма театрида сахна юзини кўрган "Атиргуллар қисмати" спектаклида ана шу муқаддас тушунчалар кенг қамраб олинган. Таниқли драматург Қўчқор Норқобил ҳамда шоира Хосият Рустамова қаламига мансуб мазкур асарни театрнинг истеъдодли режиссёри Фафур Мардонов сахналаштирган.

Ушбу сахна асарида қисматнинг турли оғриқларидан қалби озорланган аёллар ҳаёти тасвирланган бўлиб, барча ташвишу губорларни беғубор болалик чехрасидаги тиник кулги тарқатиб юбориши, аёл руҳияти, оруз-ҳаваслари, қалб армони чуқур талқин этилган. Саҳнада ўз фарзанд келажаги учун жонини ҳам фидо этишга тайёр қудратли бир маъбуд, гўдагини кўксига босиб жилмайиб бахтини туйган аёл сиймосини кўраимиз.

Гўзал ола-сингилларимиз ардоқланган ушбу лирик драмада турли тақдир



Янги томоша

балари бўлган аёллар образларини Ўзбекистон халқ артисти А.Бегматова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Тўхтаева, истеъдодли актрисалар Т.Мирмаксудова, Г.Ҳақимова, Н.Тошматова, Г.Пайзиева, Ю.Ҳайдарова, Ш.Ҳожиёва, Г.Элмуродова ҳамда М.Хуррамова маромига етказиб ижро этишган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Г.Йўлдошева ва М.Абдуллаева бош қаҳрамон образини таъсири талқин қилишган.

Дилфуза ЭРҒАШЕВА, журналист

ҲАҚИҚИЙ ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ

Файна РАНЕВСКАЯ, актриса (1896-1984): "Уйнади" деган сўз билан сира чиқишолмайман. Қартада, от пойгаси ёки шашкада ўйнаш мумкин. Саҳнада эса яшаш лозим.



Ёмон филмда суратга тушиш — абадийликка қўл силташ билан баробар.

Оила барча нарсанинг ўринини босиши мумкин. Шу боис уни тузишдан олдин сен учун қай бири муҳимроқ экани ҳақида ўйлаб кўришинг керак: барчасини ёки оилами?

Коко ШАНЕЛЬ, дизайнер (1883-1971): Қаҳрамонликка қодир эркак севилишга маҳкум!



Агар илгари ҳеч қачон эга бўлмаган нарсангни қўлга киритишни истасанг, ҳеч қачон қилмаган ишингга қўл уришга мажбурсан.

Гўзаллик ҳақида гомхўрликни, биринчи навбатда, юрак ва қалбдан бошлаш керак, бўлмаса ҳеч қандай атир-ўпа сизга ёрдам беролмайди.

Агар бирор аёл сизни ҳайратга солсаю, аммо унинг қандай либосда бўлганини эслай олмагансиз, демак, бу аёл бениқсон кийинган.

Парадокс шундаки, эркак киши қанчалар нодон ва омадсиз бўлса, унинг аёлларга нисбатан эътирсиз шу қадар кўп бўлади...

Ҳар қанақасига айлантисанг ҳам, эркак кишининг ҳаётида фақат биргина аёлга жой бор. Қолган барчаси — унинг соялари, холос.

Мәрелин МОНРО, артист (1926-1962): Ҳақиқий гўзаллик ва нафосат вақтга бўйсунмайди.



Ростини айтганда, менга фақат ютукларимни эмас, балки нуқсонларимни ҳам кўра оладиган, шунга қарамай, ҳамisha мен билан бўлишни истайдиган инсон керак.

Биз аёлларда фақат икки қурол бор: киприк бўёғи ва кўз ёшлари. Аммо уларнинг ҳар иккисидан бир вақтда фойдалана олмаимиз.

Мен яхши одамман, лекин фаришта эмасман. Камчиликларим ҳам бор, лекин иблис эмасман. Мен шунчаки, бу дунёда муҳаббат излаётган қизалоқман, холос.

Миллионлар орузи фақат бир кишига тегишли бўлиши мумкин эмас.

БЕБАҲО САЊАТКОР ЭДИ

Ўзбекистонда доира санъати довруғи, шубҳасиз, жаҳонга машҳур санъаткор уста Олим Комилов номи билан боғлиқ. Бироқ XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб доира устаси деганда халқимиз, қолаверса, дунё санъат шинавандалари кўз ўнгида беихтиёр Ўзбекистон халқ артисти, кўплаб халқаро мукофотлар соҳибдори Қаҳрамон Дадаев сиймоси гавдаланади. Айни пайтда бу бебаҳо доира устоз санъаткорнинг ҳаёти ва фаолиятини миллий рақсимиз маликаси Мукаррама Турғунбоева ва "Баҳор" ансамблисиз тасаввур этиш мушкул.



Яхшидан боғ...

Қ.Дадаевнинг отаси санъатга меҳри кучли бўлса-да, оилада бирорта санъаткор бўлмаган. Лекин Қаҳрамон ака ўсиб-ўлғайган эски шаҳардаги маҳаллада санъаткорлар кўп эди. Улар орасида машҳур ҳофиз Жўрагон Султонов, сурнайчилар Ашуралли, Аҳмадхон ота, доирачи Темура ака, танбурчи Жўрабек Сайдалиевни бутун Тошкент билан. Қаҳрамон Дадаев ана шундай инсонлар даврасида юриб санъатга меҳр қўйди. Айниқса, доира овози уни ўзига тортар, қўлдан қўймай чалгиси келарди. Ўғлидаги хоҳиш-истакни сезган Қосим ота уни таниқли доирачи Тўйчи Иноғомов тўғарагига олиб борди. Қ.Дадаевнинг санъатга кириб келиши шу тахлит бошланди. Бу йўл кейинчалик уни таниқли доира устаси Фағир Иноғомовга, ундан сўнг Мукаррама Турғунбоевага рўбарў қилди. Айнан шу учрашув сабаб ёш истеъдоднинг муваффақиятли ижод йўли бошланди. Чунки шундан кейинги 50 йил Қаҳрамон Дадаев учун ҳақиқий парвоз йиллари бўлди. Доира санъати ва унинг ривожига устоз санъаткор том маънода улкан ҳисса қўшди. Қаҳрамон ака нафақат устозлари ишини қийилмақом давом эттирди, балки ҳали доира санъатида қўлланмаган усул ва садоларни кашф қилди.

"Катта ўйин", "Пилла", "Учрашув", "Кўш доира", "Ҳаваскор", "Уч доира", "Занг", "Зардуз тўқувчилар", "Доира рақсга чорлайди", "Бужороча рақс"... рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Бу рақслар Қаҳрамон Дадаев доираси жўрлигида "сайраб" кетарди. Устоз санъаткор ижросини кузатганларнинг айтишича, унинг доира зарби ҳеч қачон пасайиб, тушиб кетмаган. Ёки бирор зарб кўнгилдагидек чиқмаган вақт бўлмаган. Қ.Дадаев сахнага чиққанидан бошлаб ҳамisha ижро устаси бўлиб келган. Бунинг сабаби, шуб-

ҳасиз, ўз танлаган соҳасига чексиз меҳр, садоқат, тинимсиз меҳнат ва изланишдан чарчамаслиқдир. Эҳтимол шу сабаб, юртимизда мавжуд Фарғона, Бухоро, Хоразм рақс мактабларига хос барча услубларни Қаҳрамон ака жуда чуқур билган ва моҳирона чалган.

Устоз билан кўп сафарларда бирга бўлганимдан, суҳбатларини тинглаганимдан ҳамisha фахрланиб юрман. У кишининг доира чалиш санъатига доим қойил қолиб келганман. Қаҳрамон ака сахнада томошабинни жуда тезлик билан ўзига тортти олиш қобилиятига эга санъаткор эди. Истараси иссиқ, дилкаш бу одамнинг ҳар бир чиқишини томошабинлар ўринларидан туриб узоқ вақт олқишлаганларига гувоҳиканман. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти, рақсоза Равшаной Шарипова билан "Чўпон", "Халоскор" рақслари ижро этилганда томошабинлар ҳар икки санъаткорни қайта-қайта сахнага тақлиф қиларди. Чет

мамлакат сафарларида эканимизда ўша юрт фуқаролари ҳам Қаҳрамон акани исмини айтиб қаҳирларини. Шунчалик машҳур эди бу санъаткор. Ана шундай пайтлари Қаҳрамон акада инсон билан замондошлигимдан гурурланиб кетардим. Хозиргача одамлар мендан у киши ҳақида сўраб-суриштиради. Ҳа, у афсонага айланган санъаткор эди. Одамлар у кишидай бўлишни истаб фарзандларининг исмини Қаҳрамон деб қўйишарди. Ана шундай "Қаҳрамон"ларнинг кўнчилиги бугунги кунда доира чалиб, устоз номини абадиётга муҳрлаб бормоқда.

У киши доира оҳангига қалбини қўшиб, завқли чаларди. Лаҳзалар ичида сахнани ўзиники қилиб оларди. Рақсоза ва қўшиқчилар кўнглини топиб чалишга жуда уста эди. Санъаткорнинг юришлари, уст-бошлари, доира чалишларига тақлид қилган кўплаб шоғирдлар доира чолғусининг устасига айландилар.

Қаҳрамон ака тўй, йиғинларда аския ҳам қиларди. Аския айтишда жуда ҳозиржавоб, зукко эди. Аския пайровларида фақат "Ғойиб бўлганларнинг Ҳава" билан эслаймаган.

Бир сўз билан айтганда, Қаҳрамон Дадаев доира санъатида кўплаб созандаларга ҳар тарафлама ўрناق бўлган катта устоз-мураббий эди.

Дилмурод ИСЛОМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

ФАОЛЛИККА ДАЪВАТ

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида бўлиб ўтган фаоллар кенгаши ўтган йил сарҳисоби ва навбатдаги ижодий-ташқилый тадбирлар режасига бағишланди. Кенгашда Уюшма ва унинг аъзолари томонидан ўтган даврда кўплаб ишлар амалга оширилгани таъкилланди. Жумладан, Б.Лутфуллаев, Р.Абдуллаев, Х.Раҳимов, О.Абдуллаева, Х.Ҳасанова, А.Маллабоев, М.Нурматов каби бастакорлар вилоятларда ижодий сафарда бўлиб, Назарў байрами муносабати билан ўтказилган тадбирлар ижодий гуруҳларига кўмаклашдилар.

Истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижодини рағбатлантириш мақсадида мунтазам ўтказилаётган Зулфия ва "Ниҳол" давлат мукофотлари, "Ягонасан, муқаддас Ватан", болалар оромгоҳлари қўшиқлари танлови. Ёш бастакорлар республика танлови ва бошқа қатор тадбирларда уюшма аъзолари фаол қатнашиб, янги номларнинг кашф этилишига ҳисса қўшдилар.

Айни кунларда ҳар доимидан фаол бўлишга бел болаган ижодкорлар халқимизни, айниқса, ёшларни композиторлик ижодиёти билан яқиндан таништиришга, вилоятлардаги мусиқа ва санъат мактаблари, коллеж ҳамда лицейларда ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари, шунингдек, Тошкент, Бекobod, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларида ижодий учрашувлар ўтказишга тайёргарлик кўришмоқда.

Талаба композиторлар ижодини қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш, уларни янги асарлар яратишга илҳомлантириш мақсадида Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказилиши кўзда тутилган ёш бастакорларнинг камер асарларидан тузилган концерт, шубҳасиз, тенгдош ижодкорлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлайди. Шунингдек, малакали ёш мусиқашунос кадрлар етиштиришга ҳисса қўлиши, уларнинг илмий изланишларини рағбатлантириш мақсадида май ойида ёш мусиқашунослар ва танқидчилар танлови ўтказилди.

Мухайё НАБИЕВА, мусиқашунос

Кўнгил кўзи

Вивьен ЛИ, актриса (1913-1967):

Хусн — ўткинчи. Аммо руҳият гўзаллиги, тасаввур ва қалб латофати — энг олий фазилат.



Ҳар бир актёр драматург ўйлаган фикрни ўзига хос талқин этади. Шу боис драматург қанчалар моҳир бўлса, унинг пессалари ижросидан шунчалар кўпроқ кўнглинг тўлади.

Мен кино юлдузи эмасман, актрисаман. Шунчаки кино юлдузи бўлиш — бу худди сохта қадриятлар ва машҳурлик йўлида қурбон қилинган ясама ҳаётга ўхшайди. Актёрликнинг эса умри узоқ. Чунки сен ижро қилишинг мумкин бўлган ажойиб роллар, албатта, топилади.

Менимча, актёрлик ижроси ҳақидаги барча гаплар фойдасиз. Мухими, актёр ижро қилишдан тўхтамаслиги, вазифасини чин дилдан бажариб, худди устахонадаги рассом, қўроқ қоралаётган ёзувчи сингари ҳар кун санъат билан машғул бўлиши керак.

КИТОБСЕВАР ГРОССМЕЙСТЕРЛАР ОИЛАСИ

Шахмат-шатранж-чатуранга. Оламда бу қадимий тафаккур ўйинига муҳлис бўлмаган зиёли йўқ ҳисоб. Ҳазрат Навоий бобомиз "Мажолис ун-нафоис" асарига "кабир ва сағир", "ҳозирона ва гойибона" шатранжни мохирона ўйнайдиган шоирлар ҳақида қўллаб маълумотлар беради.

Ростгўй Бобур Мирзо ҳам "Бобурнома"да кимники таърифласа, шатранжга қизиқиши бўлса, албатта, алоҳида қайд этиб ўтади. Ушбу икки асарда мавлоно Мир Муртоз деган ижодкорга деярли бир хил муносабат билдирилган. "Мажолис"да ўқиймиз:

"Мир Муртоз — кичик ёшдин бериким, илм касбига машғулдур. Анга тегруким кўпрак улумда донишманд бўлди — ўз мутолааси била бўлди. ... ва шатранжга андоқ мағлубдорким, бир ҳариф илгига тушса, халос бўла олмади. Бу жиҳатдин ҳарифлар андин қочарлар. Машғурдорким, агар икки ҳариф илгига тушса, бири била ўйнаб, яна бирининг этагин берк тутиб ўлтурурким, бири қочса, бори бири илгига бўлган. Ба ҳар тақдир андоқ беназир киши оз бўлмай".

Айни таърифни соддароқ шаклда "Бобурнома"да ҳам учратамиз: "Яна Мир Муртоз эди... Шатранжга кўп шағафи бор экандур, бу мартабадаким, агар икки ҳариф учраса, бири била шатранж ўйнаб, яна бирининг этагини тутуб ўлтурур экандурким кетмағай деб".

Азалдан қалам аҳлини шу қадар мафтун этган шахмат бугун юртимизда ҳар қачонгидан ортиқ ривожландики, ўзбек кизлари орасидан халқаро гротмейстерлар етишиб чиққани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Опа-сингиллар Нафиса Мўминова ҳамда Гулруҳбегим Тоҳиржонова бирин-кетин ана шу юксак шарафга лойиқ бўлиб, жаҳон шахмат олами ва Ўзбекистонимиз тарихидан муносиб жой олди. Уларнинг бу муваффақиятига, аввало, юртимизда аёл-

лар спортга берилётган юксак эътибор, қолаверса, оиладаги ижодий муҳит сабаб дейиш мумкин.

— Кизларим шахмат оламига оиламиздаги китобхонлик ва санъатсеварлик сабабли кириб келган, деса мўғри бўлади. Сўз санъати ва мусиқа санъатининг завоқи уларнинг ҳайратини уйғотди. Шахмат ана шу ҳайратни янада ошириб-тошириб юборди, — дейди икки гротмейстер кизнинг отаси, шоиртабиат Алишер ака Мўминов. Биз отанинг фикрларини маъқуллаб, ҳавас билан тинглашда давом этамиз:

— Китобхонлик ўзбек халқ эртақларидан бошланган, Андерсен эртақларини ҳам мазза қилиб ўқиганмиз. Кейин Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон китобларини, Миркарим Осимнинг тарихий асарларини завқ билан мутолаа қилганмиз. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романларини сюжети учунмас, ўзбекона муомала маданияти, инсоний муносабатларнинг ҳадди азлоси ифодалангани сабабли ибрат сифатида қайта-қайта ўқиганмиз. Рус, француз, инглиз, немис адабиёти билан чуқур танишганмиз. Айниқса, Мопассан ҳикояларини, Жек Лондоннинг "Мартен Иден"ини, Достоевскийнинг "Телба"сини, Ремаркнинг "Уч оғайни"сини ўқиб, инсон руҳиятидаги кечинмаларни идрок қилишни ўрганганмиз. Айни пайтда оилавий равишда япон адабиёти мафтунимиз. Кизларим Мураками асарлари-



ни мароқ билан варақляпти. Мен ўзим Муҳаммад Шарифнинг "Толқўприк" асарини худанчандан бери йўқотган нарсамни топгандай тўлиқиб, тўлқиланиб ўқияман.

Нафиса тўрт, Хулкар уч ёшида шахматни ўргана бошлади. Гулруҳбегимга ўғлим Асрорбек ўргатган. Шахмат туфайли фарзандларим дунё кўрди. Кизларим ва ўғлим рус, инглиз, немис, турк тилларини мукамал ўрганди. Нафиса шахмат билан тўққиз ёшдан бошлаб жиддий шуғулланди. Ўшанда кизимни Қўқондаги маданият саройи қошидаги шахмат тўғрага олиб бордим. Бир йил ичида яхши натижалар кўрсата бошлади. 1999 йилда биринчи марта Республика чемпиони бўлган кизлар ўртасида бронза медални қўлга киритди. Бу унинг илк катта галабаси эди. Нафиса шахмат тахтаси устида ҳар куни 6-8 соат шуғулланди.

Муттасил изланишлар секин-аста ўз самараларини беради. Нафиса Мўминова 2002-2012 йиллар давомида Ўзбекистоннинг кўп қарра чемпиони бўлган. 2008 йилда эса, 18 ёшгача бўлган кизлар ўртасидаги Осие

чемпионатида кумуш медални қўлга киритган. 2010 йилда Гуанчжоуда ўтказилган Осие ўйинларида кумуш медалга лойиқ топилган. 2011 йилда биринчи Марказий Осие кубоги соҳибасига айланган. 2012 йилда "Tashkent Open" халқаро турнирида галаба қозонган. 2013 йилда Ўзбекистон хотин-қизлар ўртасида биринчи бўлиб халқаро гротмейстерлик унвонига сазовор бўлган. 2014 йилда Moscow Open халқаро шахмат фестивалидан кумуш медал билан қайтди. Ўша йили Вьетнамда ташкил этилган аёллар ўртасидаги турнирда бош Кубок ва олтин медални олишга муваффақ бўлди. 2016 йилда Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Осие миллатлари Кубогида Ўзбекистон терма жамоаси таркибиде иштирок этиб, иккита кумуш медал билан тақдирланди.

— Мен фарзинни ёқтираман, — дейди Нафиса. Сўнг фикрини давом эттиради: — Аслида ўйинда заиф шахматдонаси бўлмайди, тўғри фойдаланилса, ҳатто пиёда ҳам энг кучли тошга айланиши ҳеч гап эмас. Аммо нўноқ шахматчи фарзин ёки фил имкониятларини пиёда даражасига тушириб

Ҳавасингиз келади

қўйиши мумкин. Ҳаммаси билим, маҳорат, таҳриба ва қисман омадга ҳам боғлиқ. Мусобақалардаги ўйин жараёнида онгмида сокин мусиқа ёки ёқимли кўшиқ янграб туради гўё.

Нафиса айни пайтда тўғрақ ташкил этиб, ўғил-қизларга шахмат сирларини ўргатапти. Ўқувчилари орасида Жаҳон ва Осие чемпионатлари совриндорлари, Халқаро турнирлар ва Республикамедали голиблири бор. Нафиса тўғрақ машғулотларига бутун борлигини бағишлаган. Шахматга меҳри балоид ёшларни жуда яхши кўради:

— Шахмат болаларни таҳлилий фикрлашга, мантқиққа, сабрли бўлишга, ақлни чархлашга, меҳнатсеварликка, мустақил қарор қабул қилишга, ўз кучига ишоншига ўргатади. Шоғирдларим мусобақаларда голиб бўлишса, кўнгиллари тоғдек ўсади, ют-

қазилса, хатоларидан тўғри хулоса чиқаришни ўрганишади. Биз машғулотлар давомида мураккаб шахмат масалаларини ечамиз, бу худди ҳаётдаги чигал йўллардан ягона тўғриси тинлаб олишга ўхшайди.

Нафисанинг изидан борган синглиси Гулруҳбегим Тоҳиржоннова ҳам ёшлар ўртасида кўп қарра Ўзбекистон чемпиони, 2011 йилда 12 ёшгача бўлган кизлар ўртасида Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни олди. Ўша йили Осие блиц-турнирида 14 ёшгача бўлган кизлар ичида ҳам бронза медални қўлга киритди. 12 ёшдан бошлаб Ўзбекистон терма жамоасида Ичхондаги Осие ўйинларида опаси билан бир сафда дона сурди. 2015 йилдаги Осие чемпионатида блиц, рапид, классик шахматда учта олтин медал соҳиби бўлди. Мўҳими, оилавий анъанани давом эттириб, мамлакатда иккинчи бўлиб, яъни Нафисадан кейин 16 ёшида халқаро гротмейстерлик талабини бажарди.


Алишер ака суҳбатимиз якунида билдирган ушбу фикр-мулоҳазалар ҳам кўплар учун муҳим ҳаётий хулоса бўлади, деган умиддаман.

— Очиғи, бир пайтлар яхшигина талбиркор эдим. Хорижнинг товар олиб келиб, савдо-сотик билан шуғулланардим. Кейин кизларимдаги кизиқишни кўриб, бор куч-имкониятларимни уларга қаратдим. Савдон тўхтатишимга тўғри келди. Ўшанда ақсар таниш-билишларим: "Киз бола учун шунча жон койитиш, сарф-харажат қилишнинг нима кераги бор? Эртага эгасини топиб, бериб юборсанг бўлди-да", дейишди. Лекин йиллар ўтиб Нафиса, Хулкар ва Гулруҳбегим эришган ютуқларга ҳамма ҳавас қилди. Моддий бойликдан кўра, маънавий юксалиш қанчалар муҳимлигини ён-атрофимиздагилар ҳам англаб еттиди. Бу бизнинг оилавий ютуғимиз бўлди! Бир шеъримни шундай бошлаган эдим:

Ишонларнинг эли бўлар, тупроғи,
Дусти, яқин қадрлони, ўртоғи,
Ватан отлиқ бободан

қолган боғи —
Жонинг эксанг бир кўп
гуллаб чиқалди...

Азизбек АНВАР



ГўЗАЛЛИККА ОШУФТА КўНГИЛ

Энг гўзал ва бахтли аёл — тун оғушида фарзандига алла айтаётган она. Теграсида юлдузлар нур сочса, ой осмондан ҳавас-ла боқади. Гўё бутун борлиқ она ва боланинг бу бетакрор ҳолатига махлиб. Таниқли расом Радик Азизовнинг "Алла" асари муҳтарам Оналаримизга бағишланган. Аллоҳнинг одам боласига тўхфа этган энг ёқимли мўъжизаси ҳақидаги расомнинг бу сурати пойтахтимиздаги Халқаро маданият қарвонсаройида очилган кўргазмасига кўрк бағишлади. Расомнинг олтимиздан ортиқ асарлари намойиш этилган экспозициядан "Шарқ мадоннаси", "Фаришта", "Семуру", "Икромлик" каби бетакрор суратлари ўрин олган.

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

"Қорақалпоқ адабиёти" газетаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридеги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилган танловда "Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда адабиётнинг роли" мавзусидаги лойиҳаси билан давлат гранти голиби бўлган эди. Яқинда Тўрткўл туманида "Ватанимиз мустақиллигини улуғлаш — келажакимиз пойдевори" мавзусидаги анжуман ҳам ушбу лойиҳа доирасида ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари, касб-ҳунар коллежи, академик лицей ҳамда умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган ушбу тадбирда "Қорақалпоғистон тонги" газетаси бош муҳаррири, Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистон Матёкубова, профессор Қаримбой Қўрақалпов, Ўзбекистон уюшмаси аъзоси Гулнара Нурлеповова мустақиллик голяри хусусида сўзлашди.

Устоз ижодкорлар ва ёш қаламкашларнинг Ватанини тараннум этувчи шеърлари кўпчилиққа завқ улашди. Тадбир сўнггида Қаримбой Қўрақалповнинг "Гул бор гулистон ичинда" китобининг тақдироти бўлиб ўтди.

Мунаввара ЮСУПОВА

БИЗНИНГ БОҒИМИЗ



ОМОННИНГ САЙЁРАСИ

Муаллим савод берди
Хаёлпараст Омонга.
— Бўлса учар гиламинг
Борардинг қай томонга?
— Осмонда дўстлик деган
Сайёра кашф этардим.
Барча чин дўстларимни
Унга тақлиф этардим.
Унда яшамас асло
Бақирок амакилар.
Ҳар ерга гул экамиз,
Ўсмайди тамакилар.
Яхшилик билан ўтар
Ҳар дақиқа, чоғимиз.
Қишда ҳам гуллаб турар
Бизнинг дўстлик боғимиз.

Болалар бекати

УНУТИБСИЗ

— Туринг, туринг, бобожон!
— Нима бўлди, болажон?
— Унуттибсиз бир ишни,
Уйку дори ичишни.

КўЗАЧАНИНГ РАҲМАТИ

Лой эдим, лой эдим,
Энди кўчиб бойдим.
Айтган эдим Билолга,
Шоғирд тушди қулолга.
Мени ясаб нон каби,
Пишигди қулол Наби.
Билол қўлга олди,
Эркалаб чархга солди.
Сўнг хумдонда "лат" едим,
Кўп ҳарорат, тафт едим,
Хумдонда хўп пишдим.
Кейин нақиб буй берди,
Нақд мўъжиза рўй берди.
Мен кўзага айландим,
Ва аҳд қилдим, шайландим.
Ўхшаб хумча акамга,
Хизмат қилай одамга.
Раҳмат дейман Билолга,
Ҳамда Наби қулолга.

Дилнавоз НАЖИМОВА,
Чирчиқ академик лицейи
ўқувчиси

БИР ОЛМАНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

Сен мени қақиргандек бўлдинг. Чўчиб уйғондим. Дераза раҳида мушук тушириб юборган кўзача чил-чил синган экан.

Сенга хат ёзиб бошладим. Қалам учини "қирс" этиб ёшди. Бу юрагимнинг аксимиди, билломмадим.

Ошиқлар "Бир олманинг икки палласими?" ташбеҳини хуш кўрадилар. Шу сўзнинг ўзида айрилиш бор.

Тутма: кичкина деб мени камситманг. Холбуки, ишим катта — бирлаштириш.

Ўринсиз қўлланган сўз ўйлади: "Ёзгани юзига тарсаки тортиб юборсам!"

Бахт ҳақида ҳикоя ёзиб беринг деб сўрашди. Ёзим: бахт — бахтсизлигининг билмаслиқда.

Тун одамларни узоқни кўра олмайди-ган қилиб қўяди.

Гўзаллик нимада, деб мунозара қилинади доим. Гўзаллик — гўзаллиқни кўра олишда, кўра билишда.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

БИЛДИРИШ

2017 йил 6 март куни соат 14:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида **Наср кенгаши**нинг 2016 йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлади.

2017 йил 10 март куни соат 11:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида **Шеърят кенгаши**нинг 2016 йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлади. Ёзувчилар, шоирлар, таржимонлар, ёш ижодкорлар ва барча қизиққанлар тақлиф этилади.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

"КАМОЛОТ КУТУБХОНАСИ"ДА

Уйга дугоналари билан бир қучоқ китобларни қўлтиқлаб келган синглимга қараб байрам таралдуди бошланганини сездим. Улар харид қилган китобларни қизиқиш билан қўлимга олдим. Муқоваси қалин ва сифатли қилиб ишланган китоблар ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарлари экан. Улар орасида ўзим излаб юрганларим ҳам борлигини кўриб, қувониб кетдим. Дарров дўконнинг манзилини суриштирдим...

Мўъжизагина китоб дўконига кирганимда кўзим, энг аввало, тартиб билан терилган янги нашрларга тушди. "Қамолот кутубхонаси" руҳини билан чоп этилаётган китоблар ўзим каби се-

вимли асарларини узоқ кутган, излаган китобхонларни хурсанд қилиши аниқ. Дўкон ходимаси Соҳиба Йўлдошеванинг айтишича, "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан "Қамолот кутубхонаси" лойиҳасида нашр этилаётган китобларни биринчи навбатда доимий ҳамкор адиблар, адабиётшунос олимлар, шоирлар, жамоат арбобларидан иборат ҳай'ат аъзолари назоратдан ўтказиб, саралашаркан. Шунингдек, китобхонлар, турли жамоат ташкилотлари томонидан билдирилган тақлифлар ҳам ўрганилиб, инobatта олинаркан.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтган йиллар мобайнида етмишга яқин номдаги китоблар нашр этилган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони юздан ошган. Л.Толстой, Э.Хемингуэй, Ремарк,

Гогол, Т.Драйзер сингари жаҳон адиблари ижодидан сараланган асарларни китобхонлар ўз она тилида мутолаа қилиш баробарида Андерсен эртақларини, Марк Твен ҳикояларини аслиятдан ўқишлари ҳам мумкин.

Харид қилинган китобларни қайд этиш дафтарини варақлай туриб хариддорларнинг аксарияти мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар эканини сездим. Айниқса, Яшнабод, Мирзо Улуғбек, Яқсарой, Олмазор туманидаги мактаблар пешқадамликка интилаётгани харид қилинган китоблар сонидан сезилиб турибди. Байрамлар арафасида дўкон янада гавжумлашар экан. Қайд дафтари яна кўз югуртирмаган. "Тўмарис", "Дафтар хошиясидаги битиклар", "Шум бола", "Сарик дев-

ни миниб", "Ўн саккизга кирмаган ким бор?" сингари китоблар мактаб ўқувчиларининг сезимли асарлари. "Чол ва денгиз", "Ал-Кимёгар", "Гулливернинг саёҳатлари", "Ўн беш ёшли капитан", "Алиса мўъжизалар мамлакатиде" каби жаҳон адабиёти намуналарининг кўп нусхада харид қилингани болаларнинг ҳамон эртақлар оламига, саргузаштлар дунёсига ошно эканини тасдиқлаб турибди. Ҳамсуҳбатимнинг таъкидлашича, ўқувчилар устозлари билан биргаликда яхши асарларни мактаб кутубхонаси учун сотиб олишгаётган экан. Қувонарликки, мактаб кутубхонасини бадиий адабиётлар билан бойитишни мақсад қилган нашриёт мазкур китобларни харид қилган ўқув муассасалари учун махсус чегирмалар ҳам беради. Хуллас, ушбу маскан бир олам яхшилигу янгиликлар билан китоб ишқи-

бозларини хушнуд этмоқда. Бу ерда китобларни қўлга олишининг билан улар яқин кадрдонингизга айланади, ҳаёт дарсидан сабоқ берувчи муаллимдек туолади, бир умрлик ажралмас дўст бўлишга ваъда бергандек қўл узатади.

Кетар чоғим, дўхонга эндигина келтирилиб, расталарга тахланаётган қалин муқовали китобларни кўриб тўхтадим. Танқиддан узилган нондек янги бўёқ ва қозонинг хиди уфуриб турган бу китоблар Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" асарининг янги нашри экан. Жаҳонга машҳур адибларни-да ҳайратта солган асарни ҳажон билан қўлга олар эканман, бу каби жаҳоҳирларни бизга тўхфа этаётган, ўғил-қизлар онгу шуурини чинакам китоблар зиёси билан ёритаётган ноширлар амалини дунёдаги энг хайрли ва эзгу ишлардан деб атагим келди.

Вазира ИБРОҲИМОВА

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси жамоаси бирлашма ходими
Рустам НАЗИРОВнинг
бевакт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЯТ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилими: Ташкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилими:
uzas.gzt@mail.ru

Тақлид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиддин
САЙИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Жўрабек ЖАҲОН
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга тошириш вақти — 21.00. Босишга тоширилди — 23.00

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 6363. Буюртма Г — 382. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5 6

ЖУМА КўНАЛРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X



Сайтнинг ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.